

**«НЕГА РАИСЛАРГА
БАЙРАМДА МУКОФОТ
ПУЛИ БЕРИЛМАЙДИ?»**

3

**«БАРЧАСИ ЕТАКЧИНИНГ
САЪЙ-ҲАРАКАТИГА
БОҒЛИҚ»**

16

Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ГАЗЕТА



#52 (2138) | ЖУМА, 29 ДЕКАБРЬ 2023 ЙИЛ

WWW.UZMAHALLA.UZ

**«ОИЛА ҚУРАМАН,
ДЕГАНГА МАҲАЛЛА
ТАВСИЯНОМА
БЕРСА...»**



**«ОҒИР ТОИФАДА
ЭДИК, ОБОД
МАСКАНГА
АЙЛАНДИК»**



**«ЎЗГАРИШНИ
ОДАМЛАР ЎЗ
ҲАЁТИДА ҲИС
ЭТАЁТИР»**



**ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ
УЮШМАСИ ТАШКИЛ БЎЛЯПТИ**

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ!

**ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ МИНБАРИ,
ОШКОРА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ БЎЛГАН «МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ВА
«МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИГА 2024 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГ!**

**ҲАР ИККАЛА НАШРНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ:
«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ – 600 000 СЎМ; «МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИ – 400 000 СЎМ.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 71 233 39 89, 71 233 10 92, 97 146 02 07**

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил бўляпти

2023 йил 21 декабрь санасида Президент Шавкат Мирзиёев маҳалла тизимига оид иккита муҳим ҳужжатни имзолади. Булар — «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон ҳамда «Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарордир.

МАҲАЛЛАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ КЕНГАШИ ТУЗИЛАДИ

Фармонга кўра, республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари шакллантирилади. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида «Маҳалла еттилиги» фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўлими жорий этилади.

Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашига Бош вазир, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашларига тегишлича Жўқорғи Кенгес Раиси ва ҳокимлар раислик қилади.

Уюшма раиси мақоми, тиббий, транспорт ва маиший таъминот шароитлари бўйича Бош вазир ўринбосарига, ҳудудий бошқарма ва бўлим раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосарига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарига тенглаштирилади.

Маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш ҳамда соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори жамоатчилик асосида фаолият юритадиган «маҳалла еттилиги»ни ташкил қилади.

ҚАРОРЛАР ҲАМЖИХАТЛИКДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

2024 йил 1 мартдан бошлаб «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратишда бюрократиядан ҳоли ва маҳалланинг ҳамжиҳатлигини акс эттирувчи янги тартиб жорий этилади.

Фуқароларни дафтарларга киритиш, шунингдек, дафтарлар ҳамда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда Хунар-



мандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш «Маҳалла еттилиги»нинг коллегия қарори асосида амалга оширилади.

Ҳар ойнинг 5-санасига қадар жамғармаларда шаклланган маблағлар дафтарларга киритилган фуқаролар сонига мутаносиб равишда тегишлилиги бўйича ҳар бир маҳалла кесимида тақсимланади.

«Темир дафтар»ни Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги юритади. Ижтимоий ходим «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан кўрсатиладиган ёрдамларни «Маҳалла еттилиги»га кўриб чиқиш учун киритади.

Ижтимоий ёрдам ва субсидиялар аҳолининг камбағалликдан чиқишини таъминлаш учун мақсадли ва манзилли йўналтирилиши ҳамда қарорлар қабул қилинишида очиқлик, ҳаққонийлик, ижтимоий адолат ва шаффофлик тамойилларига риоя қилиниши учун «маҳалла еттилиги» масъул ва жавобгар бўлади.

ХОДИМЛАР КРІ АСОСИДА БАҲОЛОНАДИ

Эндиликда «маҳалла еттилиги»нинг фаолияти асосий самардорлик кўрсаткичлари (КРІ) бўйича алоҳида баҳоланади. Бунда кўрсаткичларни мазкур ходимларнинг иш берувчилари Уюшма билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

Маҳалла раислари ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторлари фаолиятини КРІ асосида баҳоланда 20 фоиз балл бериш ҳуқуқига эга бўлади.

2024 йил 1 январдан бошлаб «маҳалла еттилиги» аъзоларининг иш ҳақини асосий иш жойидан бериш тартиби сақлаб қолинган ҳолда КРІ асосида баҳоланган натижаларидан келиб чиқиб, улар рағбатлантирилиб борилади.

«МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИ» ТИЗИМИ ИШГА ТУШАДИ

2024 йил 1 январдан бошлаб барча туман ва шаҳарларда «Маҳалла бюджети» тизими амалга жорий этилади.

Ҳар бир маҳалладаги Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига жисмоний шахслардан олинган мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоизи, маҳалла идоралари орқали кўрсатилган давлат хизматлари учун ундирилган йиғимнинг 10 фоизи, маҳалладаги ҳудуди 2 000 квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушадиган маблағлар, маҳалланинг мол-мулкни белгиланган тартибда ижарага беришдан олинган маблағлар йўналтирилади.

УЮШМА РАИСИНИ КИМ САЙЛАЙДИ?

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарор билан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ташкилий тузилмаси ҳамда Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши таркиби, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашларининг намунавий таркиби тасдиқланди.

Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши маҳаллаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгиловчи, даромад ва харажатлар ҳамда дастурларни тасдиқловчи олий орган ҳисобланади. Ҳудудий кенгашлар жамоатчилик асосида фаолият юритади.

Уюшма раиси Республика кенгашининг тақдимномасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент

шаҳридан камида ўн нафардан шаклландиган делегатлардан (фуқаролар йиғинлари раислари) иборат Конференция орқали тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

МАҲАЛЛА ҚАНДАЙ МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИ?

Қарор билан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 667 та штат бирликлари қисқартирилади. Уюшманинг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ва бўлимларнинг тузилмаларини 982 та штат бирликлари доирасида Уюшма раиси мустақил тасдиқлайди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий ва туман бўлинмаларининг 320 та штат бирликлари қисқартирилиб, Уюшма ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилади.

Уюшма ва маҳаллалар фаолиятини молиялаштиришда янги тартиб ўрнатилади. Унга кўра, маҳаллалар фаолиятини жорий таъминлаш (маҳалла раисининг иш ҳақи, коммунал тўловлар, канцелярия моллари ва бошқалар) ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш республика бюджет ҳисобидан амалга оширилади.

Уюшма ҳар йили 15 июлга қадар Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига ўзининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларини ҳамда тизим ташкилотларини сақлаш, маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини жорий таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган маблағлар ҳажми бўйича Республика кенгаши тасдиқлайдиган буюртмани тақдим этади. Жамоат фонди буюртмага мувофиқ субсидия ажратади.

Қарор билан Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

РАИСЛАР 5 ЙИЛГА САЙЛОНАДИ

Уюшма манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда маҳалла тизимида амалга оширилган ислохотлардан келиб чиқиб, 2024 йил 1 мартга қадар «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги қонунларнинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқади.

Бунда маҳаллаларни ташкил қилишнинг аниқ мезонларини белгилаш, «маҳалла еттилиги» таркибига лавозимларга тайинлашда ушбу маҳаллада яшовчи номзодларга устуворлик бериш, маҳалла раисининг сўровига жавоб бермаслик ёки тақдимномасида қўйилган масалани кўриб чиқмаслик учун жавобгарлик белгилаш, маҳалла раисларига ишончсизлик билдириш чоралари белгиланади. Қолаверса, маҳалла раиси сайловини аҳоли томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказиш, раиснинг ваколат муддатини 3 йилдан 5 йил муддатга узайтириш ва бошқалар назарда тутилади.

УЮШМАНИНГ ЎЗ НАШРЛАРИ БЎЛАДИ

Ҳужжат билан «Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.

Ўзбекистон Миллий телерадиоканали таркибидаги «Маҳалла» маърифий телерадиоканали давлат унитар корхонаси масъулияти чекланган жамият сифатида қайта ташкил этилади ва Уюшма унинг ягона таъсисчиси этиб белгиланади. «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zgusi» журналі Уюшманинг ташкилий тузилмасига киритилади.

Уюшма уч ой муддатда «маҳалла еттилиги» учун кулай ва ихчам биноларни ўзида муҳассам қилувчи маҳалла идораларининг намунавий биноси лойиҳасини ишлаб чиқади. Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари, давлат-хусусий шериклик ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан ўз биносига эга бўлмаган маҳаллаларда уч йил муддатда намунавий маҳалла биноларини босқичма-босқич молиялаштириш орқали қуриб топширилишини таъминлайди.

2024-2025 йилларда маҳаллаларда айрим давлат хизматларининг агентлар томонидан кўрсатилиши йўлга қўйилади. 2024 йил 1 мартга қадар мавжуд маҳаллалар фаолияти ташкилий ва молиявий жиҳатдан тўғри йўлга қўйилгани, бошқарув жиҳатидан ўзини оқлаши юзасидан ўрганиш олиб борилади ҳамда ушбу талабларга жавоб бермайдиган маҳаллаларни бирлаштириш ва ихчамлаштириш чоралари кўрилади.

Президент фармон ва қарори асосида тайёрланди.

НУҚТАИ НАЗАР

«Маҳалла молиявий мустақил бўладиган вақт келди...»

Туман марказидан 45-50 километр олисда жойлашган Аспантай овулида 1 972 нафар аҳоли истиқомат қилади. Асосий «драйвер» — чорвачилик, деҳқончилик. Очиғи, йиллар давомида ҳудудда инфратузилма, ижтимоий объектлар, қурилиш-таъмирлаш соҳаларида муаммолар йиғилиб қолганди. Одамлар кўпдан буён ўзгаришларни кутарди...

Буни қарангки, «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари асосида туманда айнан бизнинг овул танлаб олиниб, 1,9 километр пиёдалар йўлакчаси, 28 дона тунги ёритиш чироқлари ва бетон устунлар ўрнатилди. 0,8 километр ички йўлларга шағал ётқизилди. Болалар майдончаси ободонлаштирилди. Шунингдек, ҳудудда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳомийлигида янгидан барпо этилган 12-сон болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, аҳоли хонадонлари тартибга келтирилди, ҳужжатсиз уйлар кадастр рўйхатидан ўтказилди. Режамизга кўра, яна 4 километр йўлга шағал тўкиш, 85 та тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш керак. Ҳозирда янги стадион қурилиши яқунланяпти. Қолаверса, туман марказига элтувчи 45 километр йўлни асфальт қилиш бўйича ҳокимлик ва тегишли ташкилотларга таклиф киритганмиз.

Ўзим 3-4 йилдан буён маҳалла тизимида фаолият юритаман. Албатта, қисқа фурсат, бироқ ўрганиш, ташаббус кўрсатиш, аҳолини рози қилиш учун арзирли



муддат. Шу боис йиғинда барча ишларни аҳоли вакиллари билан ҳамжиҳатликда олиб борамиз. Ҳар бир таклиф эшитилади, ташаббус қўллаб-қувватланади. Шунга кўра, одамлар бизга ишонди, бу ишонч елкамизга катта масъулият юклайди.

Келгуси йилдан «маҳалла еттилиги» ташкил қилиниб, «Маҳалла бюджети» тизими жо-

рий этилади. Бу орқали барча ижтимоий масалалар ҳудуднинг ўзида ечим топишига эришилади. Истардикки, айни жараёнларда иккита янги штат — солиқчи ва ижтимоий ходим фуқаролар йиғинининг ўзидан тайинланса. Одамларни таниш, оилаларни ўрганишга ортиқча вақт кетмас эди. Қолаверса, «Маҳалла бюджети» тизими доирасида ажра-

тилаётган маблағларни сарфлаш ваколати бевосита «маҳалла еттилиги»га берилса. Биринчидан, бу йиғиннинг аҳоли орасидаги обрўсини оширса, иккинчидан, қутилмаган масалалар (кам таъминланган оилаларда учрайдиган дафн маросими, тўй-ҳашамларда кўмак кўрсатиш, беморларга ёрдам бериш) ечимида қўл келади. Учинчидан, маҳалла молиявий

мустақил бўлар экан, ўз муаммоларини ўзи ҳал қила бошлайди — йўлини тўғирлайди, сув олиб келади, аҳоли бандлиги бўйича турли шохобчалар ташкил этади. Муҳими, шу ернинг ўзида одамлар ишли бўлади, ҳудуд ўзгаради.

Амангелди ТЕМИРОВ,
Бўзатов туманидаги Аспантай овул фуқаролар йиғини раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?



Мехсет
УЗОҚБОВ,
Шуманай
туманидаги
«Таза базар»
маҳалласи
раиси.

«Mahalla»дан мунтазам фойдаланаман!»

— Маҳалламизда 3 714 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг кўпчилиги тадбиркорлик билан шуғулланади. Шу боис кредит олмоқчи бўлган, янги иш бошлаганлар йўл-йўриқ сўраб, кўп мурожаат қилишади.

Уларга тўғри маслаҳат бериш, амалий ёрдам кўрсатиш учун «Mahalla» газетасидан мунтазам равишда фойдаланаман. Ҳуқуқий савол-жавоблар бўладими, тажриба ва таклифларми, барчаси фаолиятимда жуда асқатапти. Севимли ва фойдали наширимизга 2024 йил учун обуна бўлди.

ТАКЛИФ

«Нега раисларга байрамда мукофот пули берилмайди?»

Маҳалламизда 2 780 нафар аҳоли яшайди. Асосий «драйвер» — хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш саналади. Кўпгина фуқаролар давлат ишида банд, айримлари ўз бизнесини йўлга қўйган. Ҳудуддаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводида 20 нафардан зиёд фуқаронинг бандлиги таъминланган.

2023 йил маҳалламиз ҳаётида туб ўзгаришлар, янгиликлар йили бўлди. Хусусан, Президентнинг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида мавжуд 9 та кўчанинг барчаси тўлиқ таъмирланди. Қарийб 3 километр ички йўл асфальт қилиниб, бетон ётқизилди. Қолаверса, 4 та кўчада каналлаштириш, оқова сув қувурлари янгиланди. Бу ишлар учун жами 3 миллиард 250 миллион сўм маблағ сарфланди.

Президент ташаббуси билан ажратилган 500 миллион сўм маблағ эвазига 9 та лойиҳани амалга оширяпмиз. Хусусан, воркаут, болалар майдончаси қуриляпти, нурунийлар дам олиш жойлари ташкил этилиб, кўча-



ларга тезликни пасайтирувчи тўсиқлар ўрнатилди. Қолаверса, иккита кўчани жорий таъмирлаш, тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш кўзда тутилган. Тошкент шаҳри ҳомийлигида маҳалла ходимлари учун янги, замонавий бино қуриб берилляпти.

Шу ўринда айрим таклифларимни баён этсам. Газета ва журнални доимий кузатиб бораман. Мақолалар, раислар тажрибалари, фикрларидан ўзимизга керакли жиҳатларни олиб, фаолиятимизда фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Истардикки, эндиликда

хориж давлатларининг маҳалла тизимига ўхшаш ташкилотлари ҳақида кенгроқ маълумотлар бериб борилса. Тажриба алмашиш, керак бўлса, ўрганиш учун бу тажриба керак.

Келгуси йилдан «маҳалла еттилиги» ташкил этилади. Натijaда аксарият масалалар шу ернинг ўзида ечим топишига урғу қаратилади. Бу дегани, яна хат-ҳужжат ишлари кўпаяди, мурожаатлар сони ортади. Шу боис кўпчилик раислар айтаётган фикрни такрорламоқчиман: маҳаллага хат-ҳужжат ишларини



юрйтиш, мурожаатларни қабул қилиш учун масъул котиб штати зарур. Зеро, аксарият ҳолларда маҳалла ходимлари мурожаатларни жойига чиқиб ўрганиш учун идорада бўлишмайди, бу пайтда идорада иш тўхтаб қолмаслиги керак.

Яна бир оғриқли масала — кўпгина касб эгалари байрам кунларида мукофот пуллари олишади. Бироқ негадир ойлик маоши кам, иш ҳажми кўп, аҳоли билан доимий мулоқот қилувчи раисларга бундай рағбат қўлланилмайди. Аксинча, ҳозир ҳатто

йиғин фаолиятига зарур бўлган концевлярия буюмларини ҳам ўз ҳисобимиздан оляпмиз. Ойлигимиз рўзғоримиз учун енгил машина, уй жиҳозлари, мебеллар олишга етмайди. Истардикки, раисларга байрамларда мукофот пуллари берилса, маҳалла керакли концевлярия буюмлари билан таъминланса, автомобиль, турли уй жиҳозлари хариди учун имтиёзли кредит ажратилса...

Баҳодир БЕРДИБОВ,
Нукус шаҳридаги «Олмазор»
маҳалласи раиси.

ТАЖРИБА

«Кредит маблағи
кўпайтирилса...»

Маҳалла ҳудудда 653 та хонадон бўлиб, 3,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Асосий «драйвер» — деҳқончилик. Бундан ташқари, томорқадан самарали фойдаланиш, иссиқхонада лимон етиштириш йўлга қўйилган. Ҳудуддаги 374 та хонадон томорқасида иссиқхона мавжуд. Уларнинг аксарияти узок йилдан бери лимончилик билан шуғулланади. Маҳалла аҳли, 1 сотих майдонда ўртача 500 кг. ҳосил, қарийб 4 миллион сўм даромад олмақда.

Ақбарали Каримов хонадонда 12 сотих майдондаги лимонарийдан 50 миллион сўм даромад олиш билан бирга, 170 кути асалари парваришлаб, бир йилда 90 миллион сўм соф фойда олишга эришмоқда. Маҳаллада лимон етиштириш билан бирга, йилига 50 минг туп лимон кўчат тайёрланади ва бу ҳам аҳолининг муҳим даромад манбаи ҳисобланади.

Жорий йил вилоят ҳоқими маҳаллага ташриф буюриб, барча хонадонда лимонарий ташкил этиш бўйича кўрсатма берганди. Шундай қилдик. Аммо ишни янада ривожлантириш учун кредит олишда муаммо кузатилди. Яъни талабгор кўп, аммо кредит миқдори чекланган. Шунингдек, асаларичиликни ривожлантириш мақсадида павлония етиштириш учун тумандаги ўзлаштирилмаган ер майдонидан ажратишни сўраб мурожаат қил-

гандик. Афсуски мурожаатимиз ижобий қабул қилинган бўлса-да, ҳалигача ер ажратилмади. Лимончилик билан бирга асаларичиликни ривожлантирсак, бандлик муаммосига ечим топилади.

Яна бир «драйвер» — гуруч етиштириш. Ҳудудда 3 та обжувоз бўлиб, шולי тайёр маҳсулотга айлантирилади. Ўзим қишлоқ хўжалиги мутахассиси бўлиб, бу соҳада 44 йиллик тажрибага эгаман. Оилавий сулоламиз Фарғона водийсида лимончиликка асос солган. Хонадонимда 3 сотихлик 2 та иссиқхона бор. Маҳалла аҳлига деҳқончилик борасида зарур маслаҳат бериб бораман.

Ҳудудда инфратузилма билан боғлиқ ечилмаган муаммо қолмади ҳисоб. Масалан, 1 580 метр ички йўл асфальтланди. 70 дан ортиқ хонадонга электр таъминотини яхшилаш мақсадида янги трансформатор

ҳамда эски симёғочлар ўрнига бетон устунлар ўрнатилиб, электр тармоғи тортилди. Бу билан 70 дан ортиқ хонадонда таъминот яхшиланди. Трансформатор маҳалла фаоллари маблағи ҳисобидан сотиб олинди. Халқобод кўчасига янги трансформатор, Фазо кўчасига темир бетон устун олиб келинди. Ичимлик сув таъминотида муаммо йўқ.

Шу билан бирга айрим муаммолар бор. 6 км.дан ортиқ ички йўлни асфальтлаш керак. Ҳудудда жойлашган 14-, 15-мактаб учун кўшимча бино қуришга эҳтиёж мавжуд. Чунки ўқувчи сони кўплиги дарсларни 2 навбатда ўқитишга сабаб бўлмоқда.

Таклифим асаларичилик ва лимончиликни янада ривожлантириш учун кредит ресурсини кўпайтириб бериш лозим. Шунда ишлайман, деган ёшлар бандлиги таъминланарди. Масалан, маҳаллада 1000 нафардан ортиқ ёшлар бўлиб, уларга иш ўринлари етарли эмас. Агар кредит маблағи миқдори оширилса, улар ўзини ўзи банд қилади.

Машрабжон Жўраев,
Ёзёвон туманидаги
«Сойёни» маҳалласи раиси.

МАЪНАВИЯТ РАҲБАРДАН БОШЛАНАДИ

«Mahalla» —
ишончли манба,
тажриба майдони»

Бугунги глобаллашув даврида ахборот узатувчи воситалар шакли ортиб бормоқда. Авваллари ўқувчи асосий маълумотни телевидение, радио ҳамда босма нашрлардан олган бўлса, ҳозирда интернет, ижтимоий тармоқлар фаол. Тўғри, тезкорлик борасида уларнинг фаолиятини босма нашр, ТВ ва радиога тенглаштириб бўлмайди. Лекин бу босма нашр, жумладан, газета ва журналлар энди керак эмас, дегани эмас.

Газета инсоннинг маънавиятини, саводхонлигини оширади. Яна бир муҳим фарқи, ўзида ишончли маълумотларни акс эттиради. Қолаверса, давлатдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни жамиятга ҳаққоний ва холис етказиб беради. Жумладан, тармоқ нашри ҳисобланган «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zgasisi» журнали орқали тизим ходимлари ўзини қизиқтирадиган барча саволга тезкор жавоб топиб, муаммосига бирга ечим излашади.

Газета нега керак, деб савол берувчилар, аввало, уни ўқишларини тавсия этаман. Шунда газета биринчи галда инсон фикр доирасини кенгайтириб, маънавий озуқа беришини англашади. «Mahalla» газетаси мен учун ишончли манба, тажриба майдони ҳамдир. Шунинг учун сеvimли нашрларга 2024 йил учун шахсан ўзим, қолаверса, барча маҳалла раислари обуна бўлдик.

Акрамжон НУРМАТОВ,
Янги Наманган тумани камбағалликни
қисқартириш ва бандлик бўлими
бошлигининг ўринбосари.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нафақа тайинлашда кимлардан расмий бандлик талаб қилинмайди?



Маҳмуджон Қўрғонов,
Учқўрғон туманидаги
«Фарғона» маҳалласи раиси:

— Биламизки, кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлашда ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг расмий даромадлари ҳисоблаб чиқилади. Шунга асосан, мезонга тўғри келмаса, ариза рад этилади. Аммо айрим тоифа фуқароларга бу борада имтиёз бор, деб эшитдим. Айтингчи, нафақа ва моддий ёрдам тайинлашда қайси тоифадаги фуқаролардан расмий бандлик талаб этилмайди?

Сардор ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Пенсия жамғармаси
бўлим бошлиғи:

— Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлашда айрим тоифа фуқаролардан расмий бандлик талаб қилинмайди. Жумладан, 3 ёшга тўлгунча қадар бола парвариш қилаётган она ёки унинг ўрнини босувчи шахс, таълим муассасасида кундузги шаклда ўқиётганлар, ишламайдиган пенсионер, давлат пенсияси тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлик юзасидан нафақа олувчилар, ОИВ инфекциясига чалинган, I, II гуруҳ ва болаликдан ногиронлиги бўлган 18 ёшгача шахслар шу тоифага қиради.

Қолаверса, 2024 йил 16 августга қадар ариза тақдим этган аризадаги ёки оила аъзолари номига расмийлаштирилган томорқа ер, деҳқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган фақат битта оила аъзоси, 18 ёшгача болаликдан ногиронлиги бўлган, шу жумладан ОИВ инфекциясига чалинган шахсларнинг онасига (онаси бўлмаган ҳолда отасига), оила аъзоси ҳисобланган I гуруҳ ногиронини ёки ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексани парвариш қилаётганлар, чет элда ишлайдиган ёки тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича жазони ижро этиш муассасасидалиги муносабати билан оилада бўл-

маган аъзоларидан ҳам расмий бандлик талаб этилмайди.

Шунингдек, оиланинг қақриқ бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган аъзолари, боласини ёлғиз тарбиялаётган ёлғиз она(ота)га ҳамда никоҳи бекор қилинган аёллар, расмий даромад манбасига эга бўлмаган «Темир дафтар» рўйхатидаги оила, туман(шаҳар) аҳоли бандликка кўмаклашиш марказига иш қидирувчи сифатида расмий мурожаат қилган ёки ишсиз сифатида рўйхатга олинган, ушбу марказ томонидан касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малака оширишга юборилган, ўзини ўзи банд қилган диспанс, руҳий касаллик бўйича шахсан ҳисобда турганлар ушбу имтиёзга эга ҳисобланади.

МАЪНАВИЯТ РАҲБАРДАН БОШЛАНАДИ

Жамоамиз билан севиб ўқиймиз!



Шухрат ХУШМУРОДОВ,
Гулистон тумани камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи:

— Мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фуқароларимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш олдимиздаги энг устувор вазифадир.

Бу мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Айнан шу масалалар билан яқиндан танишиб, «Mahalla» газетаси орқали тажриба алмашилади.

Шу сабаб, ҳар йили «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zgusi» журналига жамоамиз билан обуна бўламиз. 2024 йил учун айнан ушбу нашрларга обунани расмийлаштирдик. Кувонарлиси, тумандаги барча маҳалла раислари фаолиятларига оид ҳар иккала нашрга обуна бўлишди.

БИЛИБ ҚҲЙИНГ!

Хабардор қилмаса жавобгарлик келиб чиқади

Алимент ота (она)нинг шахсан ўзи томонидан тўланади ёки Ааризасига кўра иш жойида, пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағ олаётган жойида тўланади.

Алимент тўлайдиган ота (она) ишлайдиган иш берувчи ёки пенсия, нафақа, стипендия олаётган жойидаги ташкилот алиментни уларнинг даромадидан ушлаб қолиши ва болага етказиши керак.

Алимент тўлайдиган ота (она) иш, ўқиш, яшаш жойи ўзгарганда бу ҳақида Мажбурий ижро бюросини ва алимент олаётган шахсни хабардор қилиши шарт. Хабардор қилмаса жавобгарлик келиб чиқади.

ТАКЛИФ

«Маҳалла ҳар қандай олди-сотди ишлардан хабардор бўлса...»

Илгари бу ерда «Боғи Темура» номли боғ бўлган. Ариқлардан зилол сувлар оқиб, чоратроф кўклам билан қопланган. Анжирлар етиштирилган. Амир Темур аскарлари машғулот ўташган.

Йиллар ўтиб, турли миллат вакилларида иборат маҳаллага айланди. Кўчалар, бинолар европа услубида қурилди. Бошқа дин вакиллари учун ибодат масканлари барпо этилди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг аҳолининг аксарияти бошқа ҳудудларга кўчиб кетишди. Ҳозирда 59 та тарихий бинолар маданий мерос объектларни муҳофаза қилиш рўйхатида киритилган.

Ҳудудда турли давлат ташкилотлари, шифохоналар, болалар кутубхонаси, мактаб ва боғчалар мавжуд. Шу сабаб, ишсизлар йўқ, ҳисоби. Аҳолининг етмиш фоизи давлат ташкилотлари ва корхоналарда меҳнат қилади.

Ҳоким ёрдамчиси Гулзода Эрназарова тавсияси билан 43 нафар фуқаро имтиёзли кредит олиб, улар уй меҳмонхонаси, хусусий боғча, гўзаллик салони, тикувчилик ва автомобилларни ювиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Маҳаллада яшовчи хотин-қизлар учун тикувчилик бўйича ўқув марказ ташкил этилди. 208 нафар фуқаро турли йўналишлар бўйича ўзини ўзи банд қилди. Турли соҳаларда 63 та янги корхоналар очилиб, иш бошлади. Натижада 133 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. «Аёллар дафтари», «Темир дафтар» ва «Ёшлар дафтари»да турган фуқароларнинг 51 нафарига тикув машиналари, пишириқ печлари, сартарошлик асбоб-ускуналари, ноутбук, рангли нусха кўчирувчи, автомобил



ювадиган махсус аппарат, пайвандлаш ускунаси берилди.

Бундан ташқари, чин етим, ярим етим, ногирон оилаларнинг 5 нафар фарзандига олий ўқув юрти учун шартнома пуллари тўланди. Учта кам таъминланган оилаларнинг хонадонига кўёш панеллари ўрнатилди. 41 нафар фуқаро касб-хунарга ўқитилди.

Маҳалла машҳур университет сайилгоҳи кўчасига яқин ҳудудда жойлашгани сабабли йиғинга сайёҳлар кўп келади. Шу боис фуқароларнинг бир қисми туристларга хизмат кўрсатиш йўналишида банд. Ҳозирда уларга 12 та меҳмонхона ва меҳмон уйлари хизмат кўрсатмоқда. Сайёҳлар оқими ортгани учун янги меҳмонхоналар қурилмоқда.

Сайёҳларга муносиб шароит яратиш мақсадида, ҳудуд инфратузилмаси яхшиланмоқда. Барча кўчалар таъмирланиб, асфальт ва бетон қилинди. Тунги ёриткич чироқлари ўрнатилди. Кафе-бар, тамаддиҳоналар ташкил этилди. Турли хил йўналишдаги савдо шохобчалари

фаолияти йўлга қўйилди.

Эндиликда битта нуронийлар чойхонаси зарур бўляпти. Маҳалладаги нуронийлар бир жойда йиғилиб, маданий-маърифий тадбирлар уюштиришга жой йўқ. Қолаверса, маҳаллага келаётган сайёҳлар нуронийлар масканида бир пиёла чой устида миллий анъаналаримиз, кадрларимиз ҳақида маълумотга эга бўлишади.

Биргина муаммо, маҳалладаги кўпжа хонадон эгалари уйлари сотиб кетмоқда. Бироқ маҳалла бундан беҳабар. Қизиғи, уни сотиб олган одам ҳам бу ерда яшамайди ёки ижарага бериб қўйишган. Таклиф, ҳар қандай уй ва нотурар жойларни олди-сотди қилишдан олдин маҳаллани хабардор этиш тизимини яратиш керак. Шунда қайси уйда ким яшаётгани, қайси бино кимга тегишли эканидан бохабар бўлиб борамиз. Чунки барчаси маҳалладан сўралади.

Тўлқин ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Самарқанд шаҳридаги «Боғи Темура» маҳалласи раиси.

НУҚТАИ НАЗАР

«Маҳсулот мўл, фақат уни қайта ишлаш зарур»

Аҳолининг асосий даромади деҳқончилик ва чорвачилиқдан. Ҳаммининг хонадонидан 10 бош товуқ, бештагача катта-кичик чорва моллари бор. Томорқаларига картошка, помидор, сабзи, саримсоқ каби сабзавот ва полиз маҳсулотлари экиб, оила боқяпти.

«E-auksion» платформаси орқали 100 нафардан ортиқ фуқарога деҳқон хўжалик билан шуғулланиши учун ер майдонлари ажратилди. Маҳаллада боғдорчилик билан шуғулланган 18 та фермер хўжаликлари майдонларида олма, узум, ўрик, шафтоли каби сархил мевалар етиштирилмоқда. Бободехқонлар маҳсулотларни катта сифимли музлатгичларда сақлаб, қиш



ва баҳор ойларида халқимиз дастурхонига тортиқ этмоқда.

Агар маҳаллада тонналаб етиштирилаётган мева-сабза-



вотларни қайта ишлайдиган корхона қурилса, маҳаллада бирорта ишсиз қолмасди. Бунинг учун маҳсулотлар етарли,

фақат уни қайта ишлаш корхонаси керак. Қолаверса, чет элга экспорт қилиниб, халқ фаровонлиги, маҳалла тараққиёти янада ривожланган бўларди.

Ҳудудда деҳқончилик қилиш учун оқова сув муаммоси бўлиб, бу муаммони қисман ҳал этса бўлади. Бунинг учун тўрт километр нарида «Полвон» каналдан келадиغان қўшимча ариқларни тартибга келтириб, маҳалла учун ажратилган чекловни жойига қўйиш керак. Шунда аҳолининг деҳқончилик қилиш имконияти ошиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари янада кўпроқ етиштирилади.

Имкониятдан келиб чиқиб, артезиан қудуғи қазиб, сув чиқариш ишлари бошланган. Ҳозирда битта шундай қудуқ 10 та

хўжаликни оқова сув билан таъминламоқда. Яна биттаси дастурга киритилиши режалаштирилмоқда.

Ичимлик сувда муаммо йўқ, Янгиариқ туман ҳокимининг ташаббуси билан маҳалладаги 800 га яқин хонадоннинг барчаси ичимлик сув билан таъминланган. 4,5 километр ички кўчалар асфальтланиб, қолган қисми шағаллаштирилди. Эски симёғочлар янгиланиб, хонадонларга электр кабеллар тортилди, 4 та трансформатор ўрнатилди. Бир километр пиёдалар йўлаги қурилиб, унга тунги ёриткич чироқлари қўйилди.

Мардонбек ОТАЖОНОВ,
Янгиариқ туманидаги «Шихбоғи» маҳалласи раиси.

МАЪНАВИЯТ РАҲБАРДАН БОШЛанади

«Mahalla» – ишончли, синалган нашр



Болаликдан мутолаага ошноман. Оиламизда бу борада ўзига хос анъана бор эди. Дам олиш кунлари ҳафта давомидида ўқиган газета-журналлар, китоблар, уларда баён этилган воқеа-ҳодисаларни оилавий муҳокама қилардик. Яъни ота-онамиз айнан газета орқали болаликдан бизни ўқишга, ўз фикримизни эркин баён этишга, дахлдорлик туйғуси билан яшашга ўргатиб боришган.

Бугун интернет, ижтимоий тармоқлар ривожланди. Исталган ахборотга қисқа фурсатда эга бўлиш, керакли маълумотни тезда топиш имкони бор. Бироқ сараланмаган ахборотлар оқимида дунёқарашни бойитадиган, фикрлашга ўргатадиганлари кам. «Олди-қочди», «деди-деди»лардан фарзандларимни ҳимоя қилиш ва уларга ишончли, синалган нашрларни тавсия қилишга интиламан.

Шу боис оиламизнинг мутолаа анъанасини сақлаб қолганман. Фарзандларим билан ҳафта давомидида ўқиган китоблари, газета-журналларини муҳокама қиламиз. Ўзим ҳам улардан қолиб кетмаслик учун «Mahalla» газетасига обуна бўлганман. Зеро, энг муҳим ўзгаришлар таҳлилини айнан шу нашрдан топаман. Ундаги мақолаларни ўқиб, фикр билдириш, мулоҳазаларни таҳририятга ёзиб юбориш имкони ҳам борки, бундан унумли фойдаланамиз.

Газета одамни мушоҳадага ўргатади, ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкасблар билан мулоқот қилиш имкониятини беради. «Mahalla» газетаси тизим ходимлари учун мана шундай минбар вазифасини бажармоқда. Буни яхши англаган, тажрибада синаб кўрган Тахтакўпир туманидаги 17 та маҳалла раислари 2024 йил учун тўлиқ обуна бўлишди. Уйлайманки, «Mahalla» янги йилда ҳам бизни мулоҳазали, долзарб, касбимиз учун керакли мавзулар билан хурсанд этишда давом этади.

Саламат ТАЛХАНБАЕВ,
Тахтакўпир тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи.

ҲОЛАТ

«Нега эрта унаштирувга жавобгарлик йўқ?»

Ижтимоий тармоқларда тарқалган Қашқадарёда 7-синфда ўқийдиган қизнинг унаштирув маросими ўтказилгани тўғрисидаги видеолавҳа жамоатчиликнинг кенг муҳокамасига сабаб бўлди, кескин муносабатлар билдирилди. Ушбу лавҳада келтирилган ўқувчи қиз маҳалламиздаги 68-умумтаълим мактабининг 8-синфида ўқийди...

2022 йилдан буён маҳалла раисман. Бу ерда 7 300 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Юқорида қайд этилган видеолавҳа ёлгон тафсилотлар билан ижтимоий тармоқларга юкланган. Эрта турмуш қуришга ота-боболаримиз қарши бўлган, биз ҳам қаршимиз. Маълум бўлишича, ўша кун қизнинг туғилган кунини нишонланган. Байрам қандайдир тушунмовчилик юзасидан тармоққа чиқариб юборилган. Қизимиз билан гаплашдик, у келажакда шифокор бўлмоқчи ва оиласи унинг орзулари амалга ошишига шароит яратиш бермоқчи.

Айтишим керакки, ҳудудда қиз бола битирувчи синфларга ўтганда фотиҳа қилиш удуми бор. Яъни «сеники-меники» деган гаплар бўлади. Лекин бу турмушга чикди, дегани эмас. Мактабни битиргач, тўйи бўлади. Эрта унаштирувда, албатта, қизнинг ёши ҳисобга олинади. Шундай бўлса-да, ота-оналарга қизларга эркинлик бериш, уларнинг ўқиб-изланиши, хунарли бўлишига шароит яратиш бүйича доимий тушунтиришлар олиб борилади.

«Беш қўл баробар эмас». Айрим ҳолларда ота-оналар ҳеч кимдан сўрамай, маҳалла билан маслаҳатлашмай, қизларини ўқувчилик пайтидан унаштириб қўйишмоқчи бўлишади. «Қизимни вақтида унаштириб қўймасам, эртага уни ҳеч кимга узатолмай қоламан» деган мантиқсиз қараш мавжуд. Афсуски, улар бунинг эртага юз берадиган салбий оқибатларини ўйлаб кўришмайди. Зеро, оилавий ажралишларга сабаб бўлаётган асосий омиллардан бири – айнан ёшларнинг ҳаётга тайёр эмаслиги, эрта турмуш қуришдир.

Эрта турмуш қуришнинг олдини олиш бүйича астойдил ҳаракат қилишимиз. Кунини кеча айни шу ма-



салада туман ва вилоятдан келган масъуллар билан ота-оналар иштирокида йиғилиш ўтказдик. Бу муаммонинг олдини олишда биргина маҳалла ёки мактаб масъулларининг кучи етмайди. Бирлашимиз керак ва профилактик тадбирларни кўпайтириш лозим. Шундагина ижобий натижага эришиш мумкин. Ваҳоланки, энди мактабни битириш арафасида турган қизларни унаштириб қўйиш масаласини қайсидир маънода қабул қилиш мумкиндир, бироқ 7-8 синф ўқувчисини унаштириб қўйишни ҳеч қанақасига қабул қилиб бўлмайди. Албатта, бу қизларнинг кейинги ҳаётига салбий

таъсир кўрсатмай қолмайди.

Шу ўринда айтмоқчиманки, унаштириш бүйича қандайдир ҳуқуқий чора-тадбирлар қабул қилинганда, балки бу ҳолатлар тўхтаган бўлармиди?! Қонунчилигимизда эрта турмуш бүйича жавобгарлик бор, лекин эрта унаштирув бүйича ҳеч қандай жазо йўқ. Албатта, ҳуқуқий асос йўқ, дея бу масалани шундай ташлаб қўйиб бўлмайди. Ота-оналар билан бирга кўпроқ ишлаш, тарғиботни кучайтириш талаб қилинади.

Шерали МИРЗАЕВ,
Кўкдала туманидаги «Тўқмор» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ойлик компенсация кимларга тўланади?

Самадулло ЙЎЛДОШЕВ,
Касби туманидаги «Комилон» маҳалласи раиси:

– Аввалги тартиб бүйича айрим тоифадаги шахсларга уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун имтиёз бериларди. Кейинчалик имтиёзлар ўрнига ойлик пул компенсацияси жорий этилди. Айтингчи, бу компенсацияни кимлар олади? Унинг миқдори қанча?



Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

– «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент фармонида асосан, компенсация уни олиш ҳуқуқига эга бўлган барча имтиёзли тоифадаги шахсларга, ушбу шахсларнинг пенсия (ижтимоий нафақа) олиши ёки олмаслиги ҳамда меҳнат фаолиятини олиб

бориши ёки олиб бормаслигидан қатъи назар тўлаб борилади. Компенсация пенсия ва нафақалар тўланадиган тартиб ва муддатларда тўланади.

Президент фармони билан ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз шахсларга компенсация тўлови жорий этилган. Бунда ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз шахслар учун ҳар ойлик компенсация тўлови – пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 45 фоизи

миқдорида (167 минг 400 сўм) тўланади.

Шунингдек, ёши 100 га тўлган ва ундан ошган ижтимоий нафақа олувчи шахслар учун ҳар ойда – пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 100 фоизи (372 минг сўм) миқдорида қўшимча тўлов белгиланган. Бунда 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар нафақасига ҳар ойда тўланадиган қўшимча тўлов пенсия ва нафақа тайинланган ташкилот орқали молиялаштирилади.

НИГОҲ

«Кўштамғаликларда катта имкониятлар бор»

Маҳалла туман марказидан 16 километр олинди, Самарқанд шаҳрига яқин ҳудудда жойлашган. «Драйвер»лардан бири, деҳқончилик. Кўпроқ дуккакли маҳсулотлар – шоли, мош, соя экилади. 50 гектар узумзорлар бор.



Йиғинда иккита қуруқ меваларни қадоқлаш корхонаси бор. Унда турли мевалар қадоқланиб, эскпорт қилинади. Худуддан «Тошкент-Термиз» автомобиль йўли ўтгани учун савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланувчи аҳоли кўп. Ўша машҳур «Самарқанд нон бозо-

ри»нинг бири, бизнинг маҳаллада жойлашган. Бу ерда 45 та савдо дўконлари йўловчилар хизматида.

Маҳаллада қирққа яқин оила шу бозорга нон чиқаради. Бу ерда ширинликлар савдоси яхши. Шу сабаб, 12 та хонадон пазандалари миллий ширин-

ликлар тайёрлаб, сотади. Талаб ортгани учун иккита ширинлик цехи фаолияти йўлга қўйилди.

«Буюк ипак йўли» халқаро туризм марказининг қурилиши кўштамғаликлар учун катта имконият яратди. Худудга туташ жойларда катта бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Аҳоли учун ажойиб сайёҳат манзилига айланди.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган ушбу лойиҳа Самарқанд туманидаги эшак эшиш канали бўйида, 212 гектар майдонни эгаллаган. Кўп тармоқли марказ таркибида 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, «Боқий шаҳар» мажмуаси, амфитеатр ва кўплаб бошқа иншоотлар бор.

«Буюк ипак йўли» марказида тарихий манзаралар акс эттирилган. Масалан, «Боқий шаҳар» мажмуаси безакларида қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳукмдорининг Корей, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилган. Бу ерда қадимий бозор, мамлакатимизнинг барча ҳудудларига хос 40 та хунармандлик устахонаси

ташқил этилган. Унда усталар ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, заргарлик, гилам тўқиш каби жараёнларини сайёҳларга намойиш этади.


Шубҳасиз, ушбу мажмуа бугун мамлакатнинг энг катта сайёҳлик марказига айланди. Турли маданий дастурлар, замонавий пиёдалар ва велосипед йўлаклари аҳолининг севимли манзилгоҳи. Айниқса, уста Умар Жўрақулов кўчаси энг обод ва қулай худудлардан саналади.

«Сиёб» анҳорининг маҳалла худудидан оқиб ўтган 1,5 километр қисмининг икки ёнидан йўл очилиб, ободонлаштирилди. «Яшил макон» лойиҳаси доирасида 500 туп манзарали дарахтлар экилди. Тупроқ йўллар шағаллаштирилди. Март ойидан асфальтлаш ишлари бошланади. Аҳоли хонадонларига қувурлар тортилиб, тўлиқ ичимлик сув билан таъминланди.

Келгусида тадбиркорликнинг ишлаб чиқариш, касаначилик, дурадгорлик йўналишларини ривожлантириш режалари бор.

Носир ҚОСИМОВ,
Самарқанд туманидаги
«Кўштамғали» маҳалласи раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?



Оқил ХОЛТЎРАЕВ,
Деҳқонobod
туманидаги
«Ватанпарвар»
маҳалласи раиси.

«Mahalla»дан ўрганадиганларимиз жуда кўп!»

– Дунёда ўқиганингиз сари ҳали ўрганишингиз керак бўлган нарсалар қанчалик кўп эканини тушуниб бораверар экансиз. Мен ҳам ҳар сафар «Mahalla» газетасини varaқлаганимда, ўзим учун янгидан-янги жиҳатларни кашф этаман. Одамлар билан ишлашнинг ўзига хос усулларини ўрганаман. Раисларнинг тажрибаларини амалда қўллаб, яхши натижаларга эришяпмиз.

«Mahalla ko'zgisida» журналида бериб борилаётган таҳлилий мақолалар эса мавзу ҳақида кенгрок тасаввур уйғотишга ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, ҳар икки нашр маҳалла тизимини чуқурроқ ислоҳ этишимизга беминнат ҳисса қўшмоқда. Улардан ўрганадиган нарсаларимиз жуда кўп. Шунинг учун ҳам уларга 2024 йил учун ҳам обуна бўлди.

ТАЖРИБА

«Бино қурадиган тадбиркор бор, лекин жой йўқ»


Ҳар йилги анъанага кўра, жорий йил янги йил байрами арафасида маҳалладаги эҳтиёжманд оила фарзандлари ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар улашилди.

Маҳалла туман марказида жойлашган. Асосий «драйвери» – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси. «Маҳалла бешлиги» ходимлари тадбиркорликни йўлга қўйишни истаган фуқароларга кредитлар ажратиб, зарур ёрдамлар кўрсатмоқда.

Жумладан, «Аёллар дафтари»да турган Дилором Акромова кредит асосида 16 та тикув машинаси олиб, хонадониди тикувчилик цехини ташқил этди. Ўзини ўзи банд қилиш билан бирга, 11 нафар хотин-қизни ишли қилди.

Ҳилола Кароматуллаева дастлаб 40 ўринли хусусий боғча ташқил этган эди. Бугун у тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб, 200 ўриндан ортиқ болажонларни тарбияламоқда. Бундан аҳоли хурсанд. Уйига яқин, кўнгли хотиржам.

Тоҳира Нажимова ўз хонадониди сутни қайта ишлаш цехини ташқил этган. Сутни Қуйи Чирчиқ туманидаги аҳоли хонадонларидан олиб келиб, творог, бринза, сариеғ, сир маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Бу ерда етти нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга. Тоҳира иш фаолиятини кенгайтириш мақсадида, маҳаллага яқин – Янги Чиноз худудидан ер



олиб, каттароқ ишлаб чиқариш корхонаси қурилишини бошламоқда. Насиб, келгусида яна кўплаб маҳалладаги ишсизлар ишли бўлади.

Йиғинда иккита мебель цехи бўлиб, уларда уй-рўзгор жиҳозлари ҳамда бешик ясалмоқда. Ҳар бирида олти нафар ёш банд. Чевар хотин-қизлар бешик буюмларини тиқишмоқда.

Уч фарзандни ёлғиз тарбиялаётган Шаҳноза Аҳмадхўжаева мини печь олиб, қандолатчилик билан шуғулланмоқда. Унинг мазали ширинликлари харидоргир. Қувонарлиси, Шаҳноза нафақат ўзини ишли қилди, балки яна учта хотин-қизнинг бандлигини таъминлаб, даромадли бўлишга эришди.

Худудда бундай тадбиркорлар кўп. Яна кўплаб фуқаролар тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ҳаракатида, бироқ уларни жой му-

аммоси қийнамоқда. Жой йўқлидан маҳалла идораси йўқ. Ҳозирда кўшни «Бунёдкор» маҳалласидаги бир хонали уйда фаолият юритяптиз.

Маҳалла биноти куриб бермоқчи бўлган тадбиркорлар бор, лекин бўш ер топиш муаммо бўляпти. Бу масала «Ташаббусли бюджет» лойиҳасига икки мартаба киритилган, бироқ рад жавоби берилган.

Йиғинда спортсевар ёшлар кўп. Айниқса, бокс бўйича Осиё ва жаҳон чемпионлари бор. Жавҳар Шахбозов ана шундай ёшлардан бири. Шу боис маҳалла ёшлари учун спорт биноти куриш зарур. Мактаб спорт залида жой талаш. Чунки аёллар ҳам спорт билан шуғулланишади.

Зулфия АЛИМУҲАММЕДОВА,
Чиноз туманидаги Алишер Навоий
номли маҳалла раиси.

БИЛАСИЗМИ?

2024 йилнинг Давлат бюджети тасдиқланди

Президент «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонунни имзолади. Қонун билан 2024 йил учун Ўзбекистоннинг консолидациялашган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинди.

Ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик миллий ва давлат дастурларига ажратиладиган грант маблағларининг белгиланган миқдорлари Қонунга ўзгартиш киритилмасдан кўпайтирилади.

Ўзбекистон номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 25 трлн. сўм миқдориди белгиланди. 2024 йил учун Ўзбекистон консолидациялашган бюджетини тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 4 фоизи миқдориди белгиланди.

Қонунга кўра, жумладан солиқларнинг қуйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи; мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан жисмоний шахслар томонидан тўланадиган, шунингдек ЯТТлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Қонун 2024 йил 1 январдан эътиборан қучга киради.

НУҚТАИ НАЗАР

«Оила қураман, деганга маҳалла тавсиянома берса...»



Маҳалламизда 3 878 нафар аҳоли истиқомат қилади. «Драйв» — паррандачилик, томорқачилик, чорвачилик. Президент ташаббуси билан ажратилган 500 миллион сўм маблағ эвазига ҳудуддаги битта кўчага томорқа учун насос тортиш, трансформатор ўрнатиш, битта кўчанинг 300 метр қисмига тош-шағал аралашмаси ётқизиш, 300 метр ичимлик сув қувурини тортиш, маҳалла идорасига қуёш панели, икки кўчанинг кесишмасига видеокамералар ўрнатиш ишлари бажарилапти.

Маҳаллада 30 та кўча мавжуд. Ҳар бирига кўча бийлари, кўча бекалари бириктирилган. Бу тажриба бизга анча қўл келмокда. Боиси мазкур кўчаларда қандай муаммо, оилаларда нима гап, аҳолини қандай масалалар

қийнапти, кимнинг уйида тўй ёки маърака бўляпти, барча-барчасини кўча бийлари орқали билиб тураемиз. Кимга қандай кўмак кераклиги бўйича улар билан маслаҳатлашамиз. Яқинда шу орқали 13 та кам таъминланган

оилага кўмак кўрсатдик. Маҳаллада кўча бекалари ҳам борки, улар билан оилалардаги низо-ларни ҳал этиш, қизлар тарбияси, аёллар бандлиги масалаларида ҳамкорлик қилаемиз.

Яна бир гап: айнан кўча бийлари ва кўча бекалари фаоллиги, ташаббускорлиги, ўз ишига масъулият билан ёндашиши туфайли 2023 йилда ҳудудда биронта жиноят ёки ажралиш ҳолати кузатилмади. Низоли оилалар имом-хатиб, отинойи, маҳалла фаоллари, тажрибали нуронийлар ҳамкорлигида яраштирила-

ди. Бу тизим маҳаллада намунали йўлга қўйилгани боис икки нафар кўча бийи — Нуронийлар кўчаси бийи Узоқбай Утегенов ҳамда Е.Панаев кўчаси бийи Шернияз Панаев Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги байрами арафасида Президент фармони асосида «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Битта маҳалланинг икки фидойиси бир вақтда юксак эътирофга сазовор бўлганидан, албатта, фахрланамиз.

Гарчи маҳалламизда ажралишлар кузатилмаган бўлса-да, оғриқли бу мавзу ҳеч қачон

долзарблигини йўқотмайди. «Mahalla» газетаси орқали унинг олдини бўйича турли таклифлар билдириляпти. Уларга қўшилган ҳолда, айтмоқчиманки, оила қураётган ёшлар учун оилавий муносабатларни тўлиқ тушунтирадиган ва эр-хотин ҳақ-ҳуқуқларини мукамал англадиган махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқиш зарур. Қонуний никоҳ тузилмасидан аввал мана шу дастурни мажбурий тартибда ўқитиш орқали оила ва унинг муқаддаслиги, мажбуриятлар ва масъулиятлар ҳақида ҳар иккала ёшда тўлиқ тушунча ҳосил қилиш мумкин.

Шу билан бирга, оила қуришдан олдин маҳалладан тавсиянома олиш тизимини жорий этиш керак. Бунда маҳалла фаоллари ҳар икки томоннинг катталари билан гаплашиб, тўйни камчиқим, ортиқча дабдабасиз ўтказишга келишиб олади. Ёшлар билан суҳбатда уларнинг ҳаётга тайёрлиги, рози-ризочилиги ўрганилади. Барчаси талаб даражасида бўлса, тавсиянома тақдим этилади. Йўқса, уларга йўлаб кўриш, ҳаётий билимларини мустаҳкамлаш учун вақт берилади. Шундай тартиб ўрнатилса, бу оила доимий равишда маҳалла кузатувида бўлади, муаммоли ҳолатларда маҳалла аралаша олади, йўл-йўриқ кўрсатиш имкони бўлади.

Даулетийёр МАДРЕИМОВ,
Кегейли туманидаги
«Обод макон»
маҳалласи раиси.

МАНЗАРА

«Жиноятдан ҳоли ҳудуд мақомидамиз»

Бугунги кунда маҳалламизда 648 та хонадон бор. 3 152 нафар аҳоли яшайди. Улар орасида 14-30 ёшдагилар сони 834 нафарни ташкил этади. Йиғинда ёшлар билан ишлашда яхши тажриба йўлга қўйилган. Шу боис «Жалойир»ни туманда «спортчилар» маҳалласи деб аташади.

Ҳудудда аввалдан ёшлар таълим-тарбияси, спорт билан шуғулланишига катта эътибор қаратилади. Ўтган йили «маҳалла бешлиги» сафида ёшлар етакчиси лавозими жорий этилгани бу борадаги ишларни янада жонлантирди. Ёшлар етакчиси Жаҳонгир Гадоийниёзов фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ фаоллиги, ташаббускорлиги ва изланувчанлиги билан маҳалла ёшларининг чинакам етакчисига айланди.

Туманда маҳаллани спортчилар маҳалласи, дейишади. Сабаби, бу ерда 28 нафар Ўзбекистон чемпиони, 3 нафар Осиё ўйинлари ғолиби ҳамда 1 нафар шахмат бўйича 16 ёшгача ўсмирлар ўртасида Олимпиада совриндори бор. Биз бу билан чекланмоқчи эмасмиз. Маҳалламиз ёшлари орасидан Жаҳон ҳамда Олимпиада чемпионлари чиқишига ишонман. Зеро, йиғинда ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароитлар мавжуд. 1 та спорт мактаби ҳамда 1 та умумтаълим мактаби фаолият юритади. Ҳафтанинг тоқ кунлари ўғил болалар мини-футбол ва воркаут билан, жуфт кунлари

хотин-қизлар волейбол ҳамда стритбол билан шуғулланишади.

Ютуқларимиз кам эмас. Хусусан, ўтган йили «Беш ташаббус» олимпиадасининг 1-мавсумида волейбол бўйича республикада 2-ўринни, стритбол ҳамда мини-футбол бўйича ДХХ раиси кубогида 4-ўринни эгаллаб, маҳаллада спорт майдончалари қуриш учун сертификатни қўлга киритдик. 2-мавсумда республикада стритбол бўйича икки йўналишда ғолиблар сафидан жой эгаллаган маҳалла ёшлари яна иккита универсал спорт майдони қуриш учун сертификатга эга чиқишди. «Беш ташаббус» олимпиадасининг 2023 йилги 1-мавсуми баҳсларида 27-30 ёшдаги қизларимиз энгил атлетика бўйича республикада 1-ўринни, 2-мавсумда ёшларимиз волейбол ҳамда кураш спорт туридан вилоятда 1-ўринни қўлга киритишди. Бундан, албатта, фахрланамиз.

Маҳаллада фақат спорт эмас, бандликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ишлар тўғри йўлга қўйилган. Аниқ чора-тадбирларга асосан олиб борилаётган сабб-ҳаракат-

лар ўзининг ижобий натижасини беради. Бу ҳаётий ҳақиқат. 2021 йилда «Жалойир» маҳалласида ҳуқуқбузарлик содир этганлар сони 5 нафарни ташкил этган бўлса, 2022 йилда ушбу кўрсаткич 3 тага камайди. 2023 йилда бирорта жиноятчилик содир этилмади ва маҳалла жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айланди.

Бандлик масаласида сўз кетганда, ҳудудда тадбиркорлик тобора ривожланиб, у билан шуғулланувчилар сони ошмоқда. Хусусан, айнан ёшлар етакчиси кўмаги билан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonаси фаолияти йўлга қўйилиб, бу ерда 5 нафар йигит иш билан таъминланди. Қолаверса, яна 5 нафар ёш кредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйган ҳолда, 10 га яқин янги иш ўрни яратган бўлса, яна 20 нафарга яқин йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Умуман олганда, бугун маҳалла жиноятдан холи, спорт ва жисмоний тарбия оммалашган, бандликни таъминлаш намунали йўлга қўйилган ҳудудлар сирасига киради. Бу жараёнда «маҳалла бешлиги» бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда муаммоларга ечим топяпти, одамлар розилигига эришяпти.

Хусниддин НАЗАРОВ,
Хатирчи туманидаги
«Жалойир» маҳалласи раиси.



ОБОДЛИК

«Оғир тоифада эдик, обод масканга айландик»

5000 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи худудда ечимини кутаётган масалалар кўп эди. Инфратузилма билан боғлиқ муаммолар «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезони асосида ҳал этилди.

Дастур доирасида 12 та кўча таъмирланди. 720 ўринга мўлжалланган мактаб, 150 ўринли мактабгача таълим ташкилоти сифатли билим олиш учун шай ҳолга келтирилди. 904 та хонадон хатловдан ўтказилиб, аниқланган 701 та муаммонинг 630 таси ечилди. 510 та хонадон таъмирланган бўлса, уларнинг 29 тасида қайтадан қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция иши бажарилди. 135 тасининг ташқи, 60 тасининг ички қисми таъмирланди. 274 тасининг ташқи ва ички қисми оқлаиб, 21 тасининг том қисми янгиланди. 105 та хонадонга қўшимча хўжалик биноси қуриб берилди. Эҳтиёжга асосан, аҳолига суялтирилган газ

баллони тарқатилди.

Шу билан бирга, 21 км. ичимлик сув тармоғи тортилди. 1 та янги артезан қудуғи қазилди, 2 та янги сув минораси ўрнатилди, 2 таси таъмирланди. Худуддаги саноат зонаси сув минорасига уланди. Аҳоли томорқасини суғориш учун 2 та тик сув қудуғи қазиб давом этмоқда. Шу билан бирга 8.3 км. электр тармоқ тортилиб, 390 дона бетон таянч устун ўрнатилди. Электр таъминоти сифатини яхшилаш мақсадида трансформатор пунктини (ТП) жорий таъмирлаб, 3 дона янги ТП ўрнатилди. Ички йўлнинг 5,4 км. қисми асфальтланди, 6,9 км. йўл шағаллаштирилди. 100 дона кўча чироғи ўрнатилди.

Маҳаллани ишсизликдан ҳоли худудга айлантириш мақсадида ҳоким ёрдамчиси кўмагида мавжуд 65 нафар ишсиз фуқаронинг 26 нафари ишга жойланди. 6 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди, 20 нафари ўзини ўзи банд қилди.



34 нафар фуқаро жамоатчилик асосида ишга жойлаштирилди. Касб-хунарга қайта ўқитилиб, ишга жойланган хотин-қизларга тикув машинаси берилди. Бундан ташқари, 49-умумтаълим мактабида дастур доирасида замонавий спорт иншооти қуриб, фойдаланишга топширилди.

23-умумтаълим мактаби 2024 йил дастурига киритилиб, мактаб ўқувчилари учун спорт зал, бўш турган ерга чим устида хоккей майдони қуриш режалашти-

рилди. Маҳаллий дастурга кўра, 38-МТга 120 ўринли замонавий бино барпо этиш, 39-МТни таъмирлаш режалаштирилмоқда. Иккита маҳаллага хизмат кўрсатувчи шифокорлик пунктининг том қисми янгиланди. Бир сўз билан айтганда, кечагина оғир тоифада бўлган маҳалла бугун энг обод масканга айланди.

Раҳматилло ОТАҚУЛОВ,
Қўштепа туманидаги
«Шомирза» маҳалласи раиси.


ТАЖРИБА

«Тоза ичимлик сув тармоғи ва бетон устунлар керак»

Туман марказидан 11 км. тузоқликда жойлашган худудда 767 та хонадон бўлиб, унда 3730 нафар аҳоли яшайди. Асосий даромад манбаани боғдорчилик ва чорвачилик ҳисобланади. Барча соҳада тараққиётга эришиш учун биргалликда ҳаракат қиляпмиз. Айниқса, «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси бу борада бизни янада жипслаштирди. Натижада инфратузилма билан боғлиқ масалалар ҳал бўлди.

Масалан, 2022 йилда танловга қатнашиб, Бирдамлик ва Иттифоқ кўчасини асфальтлаш тақлимимиз ғолиб чиқди. Жорий йил бошидаги 1-босқичда Ибрат кўчасининг 3 км. масофасини асфальтлаш тақлифи кўп овоз тўплади. Натижада ички йўлларнинг таъмирталаблиги, қишда лой, ёзда эса чанг эканлиги билан боғлиқ муаммо ҳал этилди. Пудратчи ташкилот йўлсозлари маҳалланинг ички йўлига 3 километр масофада асфальт ётқизишди. Қолаверса, Ёшлар кўчасининг 500 метри манзилли дастур, 500 метри ҳомийлик асосида асфальтланди. Бугунгача жами 16 км. кўча замонавий қиёфага келди. Яна 6 км. кўчадаги иш 2024 йилда давом этади. Бундан ташқари, худуддаги 6-умумтаълим мактаби филиали «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида ғолиб чиқиб, 2024 йилда таъмирлаш белгиланган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида яхши натижага эришилмоқда. Йил бошидаги хатловда рўйхатга олинган ишсизлар доимий ишга жойланди. Ҳозирда рўйхатда қолган 12 нафар ишсиз тақлиф этилган ишларни рад этган. Умумий ҳи-



собда 60 нафар фуқаро бандлиги таъминланди. Бунда мавжуд 13 та тадбиркорлик субъекти, кичик саноат зонасидаги иш ўринларидан самарали фойдаланилмоқда. Мисол учун, 13 та тадбиркорлик субъектида 30 та иш ўрни мавжуд. Кичик саноат зонасида 6 та саноат корхонаси бор. Бу ерда, ҳатто қўшни маҳалла аҳолиси ҳам меҳнат қилади. Шу билан бирга 42 нафар фуқарога оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури асосида кредит ажратилган бўлса, 2 нафарига субсидия берилди.

2024 йилдаги режага кўра, 2 та асосий муаммога ечим из-

лаймиз. Биринчиси, худудга тоза ичимлик сув тармоғи тортиш лозим. Кейинги масала 6 км. электр тармоғини янгилаш керак. Қолаверса, 200 дона ёғоч устунни бетон устунга алмаштириш режага киритилган. Юқоридаги масала билан туман ҳокимлигига мурожаат қилганмиз.

Келгуси йилда янги иш ўринлари яратиш мақсадида 30 йилга берилган 15 сотихли ерларни умумлаштириб, кооперация шаклидаги боғ яратмоқчимиз.

Фахриддин ЁҚУБЖОНОВ,
Ўзбекистон туманидаги
«Кичик Тағоб» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Музаффар ҚЎШБОҚОВ,
Зарбдор туманидаги
«Наврўз» маҳалласи
раиси:

— Касаба уюшмасига маҳалла ходимлари аъзолиги мажбурийми? Уюшманинг олдимиздаги вазифаси қандай? Ходимларни ҳимоя қилиши керакми? Агар унинг ишидан қониқмасак, уюшма аъзолигидан ихтиёрий чиқиб кетсак бўладими?



Касаба уюшмасига аъзолик мажбурийми?

Шерзодбек МАЖИДОВ,
«Мадад» НТТ етакчи мутахассиси:

— «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига кўра, уюшманинг асосий мақсад ва вазифаси фуқароларнинг ўз фаолияти ёки ўқиши бўйича умумий касбий манфаати билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилишдир.

Касаба уюшмасига аъзолик масаласи қонуннинг 7-моддасида қайд этилган. Унга кўра, фуқаро ўз қонуний манфаатини ҳимоя қилиш учун танловга кўра ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш, уларга аъзо бўлиш, касаба уюшмаси фаолияти билан шуғулланиш ва аъзоликдан чиқиш ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашишга бўлган ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишга, шунингдек уларни касаба уюшмасига аъзо бўлишга ёки аъзоликдан чиқишга мажбурлашга йўл қўйилмайди.

Бундан кўриниб турибдики, ходимнинг касаба уюшмасига аъзолиги ва ўз иш ҳақидан бадал тўлаши мутлақо ихтиёрий. Ходимни бунга мажбурлаш меҳнат соҳасидаги қонунбузилиши ҳисобланиб, бунга йўл қўйган мансабдор шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига асосан маъмурий жазоланади. Жумладан, маҳалла ходимлари ҳам, уюшмага ихтиёрий аъзо бўлиб, фаолиятдан қониқмасак, исталган вақтда аъзоликдан чиқиб кетиши ва иш ҳақидан тўланадиган бадални тўхта-тиб қўйишга ҳақли.

ТАКЛИФ

«Бино учун ер ва маблағ ажратилди»

Худуддаги 460 та хонадонда 2560 нафар аҳоли яшайди. «Драйвер» – деҳқончилик ва чорвачилик. Қишлоқда бирорта бўш инсонни учратмайсиз. Томорқадан самарали фойдаланаётган фуқаролар кўп.



Ўтаётган йилда кўп ишлар амалга оширилди. Айниқса, инфратузилма билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда фуқаролар бирлашиши ўрганди. «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида 5 км. йўлни асфальтлаш таклифини кўйгандик. Яқинда ғолиб чиқиб, масала ижобий ҳал бўлди. Бундан ташқари, кўшни «Кесканёр» маҳалласи билан худудни боғловчи кўприк қурилди. Ҳашар ёрдамида 50 дона кўча чироғи ўрнатилди. «Лангарота» зиёратгоҳи ободонлаштирилди. Унга олиб борувчи йўл ҳашар орқали бетонланди. Ичимлик сув, табиий газ, оқова сувдан муаммо йўқ. Жорий йил мустақиллик байрами арафасида аҳоли учун яна бир совға тортиқ этилди. Собиқ қишлоқ врачлик пункти биноси 851 миллион сўмлик маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан мукамал таъмирдан

чиқарилиб, фаолият кўрсатишга шай ҳолатга келтирилди. Натижада «Ласкидон», «Кесканёр» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 5 мингдан зиёд аҳолига сифатли ва малакали бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш учун шароит яратилди. Бу ерда яшовчи аҳоли учун оила шифокори, аёллар шифокори, патронаж хизмати, кундузги стационар хизмати, туғиш ёшидаги аёллар, ҳомиладорларга ва туғруқдан кейинги доя хизмати кўрсатилиб, ўндан ортиқ турдаги лаборатория текшируви ўтказилади ҳамда муолажа даврида 120 хил дори воситаси билан бепул таъминланади. Алоҳида эътироф этиш керакки, маҳалладаги ҳар бир янгиликда, хайрли ишда маҳалладошимиз Абдувоид Ғофуров, Муяссар Мирзааҳмедова шахсий намуна кўрсатмоқда.

БИЛАСИЗМИ?

Маданий меросни сақловчилар рағбатлантирилади

«Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори (ПҚ – 405-сон, 25.12.2023 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2024 йил 1 апрелдан ноёб ва (ёки) йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган номоддий маданий мерос намуналарини сақловчи 20 нафар шахс аниқлашиб, уларга кўмаклашилади ҳамда фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари белгилаб берилди. Ушбу кўрсаткичларни бажарган номоддий маданий мерос намуналарини сақловчи шахслар ҳар ойда 5 млн. сўм миқдоридан рағбатлантириб борилади.

Қарорга кўра, номоддий маданий мерос намуналарини «тайёрлаш – ўргатиш – тиклаш – оммалаштириш» яхлит узлуксиз тизим асосида ривожлантирилади. Номоддий маданий мерос намуналарини комплекс ривожлантириш бўйича илмий-амалий ва ижодий мактаблар фаолияти йўлга қўйилади.

2024 йилдан ҳар йили март ойида «Миллий қадриятлар ойлиги» тадбирлари ва халқ сайиллари ўтказиб борилади. 2024 йил 1 октябргача «Қадрият» электрон платформаси ва унинг мобил иловаси яратилади. Платформага номоддий маданий меросни, жумладан мақом, бахшичилик намуналарини ўзида сақловчи ва етказувчилар ҳақидаги маълумотлар ҳамда уларнинг рўйхати жойлаштирилади.



Юқорида айтганимдек, бандликни таъминлаш учун янги иш ўринлари яратилмоқда. Йил бошида 51 нафар ишсиз аниқланган. Ҳозиргача уларнинг 35 нафарини ишга жойладик. 2 нафар ёш Наманган шаҳридаги автомобилларга чироқ ишлаб чиқариш заводида, 7 нафар қизлар ҚВПга ишга кирди. Қолганлар тикувчилик соҳасидаги корхоналарда банд бўлди. Айни пайт 80 нафар фуқаро хусусий тадбиркор. Улар чорвачилик, асаларичилик билан шуғулланади.

2024 йилда бир қатор муаммоларни ҳал этиш режаси белгиланган. Биринчи галда худудга 150 ўринли боғча қуриш керак. Худуддаги 31 МТТ бола қамровини кўтара олмаяпти. Қолаверса, шароит талабга жавоб бермайди. Чунки боғча мактабнинг 3 та бўш хонасида филиал сифатида фаолият юритади. Яна бир муаммо – маҳалла мослаштирилган бинода жойлашган, жуда таъмирталаб ва эски. Туман ҳокимлиги мурожаатимизни кўриб чиқиб, 2024 йилда худудга боғча қуриш учун ер ҳамда маблағ ажратди. 2024 йилда шу масалалар ҳал этилишига умид билдириямиз.

Исроил УБАЙДУЛЛАЕВ,
Чортоқ туманидаги
«Ласкидон» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қандолат ШОДИЕВА,
Ғаллаорол туманидаги Ғофур
Ғулом номидаги маҳалла раиси:

– Маҳаллада оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар кўпчиликини ташкил этади. Шу кунгача улар 3 нафаргача доимий ходим ёллаш ҳуқуқига эга эди. Маълум бўлишича, шу тартибга ўзгартириш киритилибди. Мутахассислар киритилган янгилик ва ўзгариш ҳақида маълумот бера олишадими?



Оилавий тадбиркор 5 нафаргача ходим ёллаши мумкин

Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги
ахборот хизмати раҳбари:

– Президент жорий йил 27 декабрда имзолаган Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди. Жумладан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиришга кўра, юридик шахс ташкил этмаган оилавий тадбиркорлик субъектларига 5 нафаргача доимий ходимни улар билан меҳнат шартномасини тузган ҳолда ёллаш ҳуқуқи берилди. Дарҳақиқат, аввалги тартибда рухсат этилган миқдор 3 нафаргача эди. Шунингдек, бир оилавий корхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзида бо-

шқа оилавий корхона иштирокчиси бўлиш мумкин.

«Божхона кодекси»га киритилган ўзгартиришга кўра, давлат ҳамда нодавлат спорт-таълим ташкилотларига ўз эҳтиёжи учун импорт қиладиган махсус спорт кийимлари, пойабзал, спорт анжомлари, жиҳозлари ва ускуналарининг 50 фоизига божхона божини тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёз тақдим этилди. Бундан ташқари, «Шаҳарсозлик кодекси»га киритилган ўзгартиришга кўра, маҳаллий ижро этувчи ҳокимлик органларининг шаҳарсозлик фаолияти объектларини қуриш тўғрисида қарор қабул қилиш бўйича ваколати бекор қилинди.

ЭҲТИРОМ

Янги йил байрами нишонланди

Шайхонтоҳур туманидаги «Катта ҳовуз» маҳалласида жойлашган Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш марказида ОИТСга чалинган болалар учун Янги йил муносибати билан ўтказилган арча байрами болажонларга бир олам қувонч бағишлади.

Тошкент шаҳар «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази ҳамкорлигида ўтган янги йил байрамида ҳомийлик қилган ёш тадбиркор, «Wang Da Group» қўшма корхонаси директори, Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзоди Гўзал Тожимирзаева кам таъминланган оила фарзандларига ўйинчоқлар, байрам совғалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари улашди.

– 18 ёшимдан буён тадбиркорлик қилман, – дейди Гўзал Тожимирзаева. – Бугунги кунда металлургия ва қурилиш соҳаси билан боғлиқ корхонада бизнесни ривожлантириш директориман. Ёшлигимдан, агар етарлича имкониятга эга бўлсам, албатта, ёрдамга муҳтож, қийналган оилалар ва боқувчисини йўқотган болаларга меҳр улашиб, уларни моддий қўллаб-қувватлашни ният қилганман. Шукрки, бугунги кунда бир қанча хайрия тадбирларида ҳомий сифатида кўмак бериб келяман. Айниқса, бугун ОИТСга чалинган болаларга янги йил байрами хурсандчилигини улашганимдан мамнунман.



Байрам тадбирида Қорбобо ва Қорқизнинг даврага кириб келиши ва совға улашиши, Тошкент шаҳар маданият уйи ходимларининг куй-кўшиқлари болажонларга янги йил қувончини олиб келди. Тадбир якунида ҳомийларга ташаккурнома ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Дилобар АКРОМОВА,
Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш
маркази эпидемиологи.

САРҲИСОБ

«Ўзгаришни одамлар ўз ҳаётида ҳис этаётир»



Худудда 8000 минг нафар аҳоли яшайдиган маҳалла яқиндагина жуда оғир аҳволда эди. 5 та қишлоқни ўзида жамлаган кўчалар «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари асосида кўркамлашиб, инфратузилма яхшиланди. Ўзгаришни одамлар ўз ҳаётида ҳис қилмоқда.

Бюджет маблағидан ташқари, ташаббускор инсонлар, тадбиркорлар кўмагида улкан ўзгариш кўзга ташланди. Жумладан, қисқа вақтда 3 та уй-жойи таъмирга муҳтож оиланинг турар жойи жорий ва капитал таъмирланди. 380 та хонадонга 400 тонна кўмир етказилди. 110 нафар аҳолининг

бандлиги таъминланди, 4 нафари доимий, 90 нафари жамоатчилик асосида ишга жойлаштирилди. 11 нафар фуқаро касб-хунарга ўқитилиб, 150 нафарига ўзини ўзи банд қилиш ва 15 нафарига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кўмаклашилди. Шунингдек, фуқаролик паспорти,

боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини олишда кўмак берилди. 25 та кўчада ишлар бажарилди. 1500 метр йўлни асфальтлаб, 25 км. йўлни шағал ҳамда бетонлангани, 600 метр квадрат масофада пиёдалар йўлакчаси қурилгани, айниқса, мактаб ўқувчилари учун айна муддао бўлди. Қишлоқ орасига 2,7 км. узунликда электр тармоғи тортилди. 100 донна тунги ёритиш мосламаси қўйилди. 2 донна янги трансформатор билан бирга мавжуд 3 донна таъмирланди. 67

дона ёғоч устунлар бетон устунга алмаштирилди. 5 та газ тақсимлаш пункти, 1,5 км. газ тармоғи таъмирланди.

Хонадонлар маданиятини юксалтириш, уй-жойларни обод ҳамда кўркам қилиш, қурилиш меъёрлари ва санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш бўйича 26 та тадбир ташкил этилиб, уларда 1 минг 307 нафар фуқаро қамраб олинди. 57 нафар фуқаро ўртасида фарзанд тарбияси, хонадон аъзоларининг бандлиги, шу жумладан, оилавий тадбир-

корликни йўлга қўйиш, касана-чилиқни ривожлантириш бўйича тадбир ташкил қилинди. 3 395 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг саломатлигини тиклаши учун йўлланма берилди. «Уч авлод учрашуви» тадбири ташкил этилиб, ундан кекса нуруний ва ёшлар давра суҳбати ўтказилди. Спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси ва шахмат-шашка турлари бўйича мусобақа, маданий концерт дастури ташкил қилинди.

Энг муҳими, маҳалла ходимлари энди ўз биносига эга бўлди. Янги қуриб битказилган иншоотда «маҳалла еттилиги» учун барча шароит яратилган.

2024 йилда тикув корхонаси ташкил этиш, туризм техникумидаги бўш хоналарда кичик тадбиркорлик субъектлари очиш режаси бор. Бунинг учун маҳаллий тадбиркор Фахриддин Яхшимуродов 2 қаватли тадбиркорлик корхонаси барпо этмоқда. 2024 йилда қурилиш якунига етгач, 1-қаватда савдо маркази, 2-қаватда тикув корхонаси иш бошлайди. Бу билан 20 та янги иш ўрни яратилади.

Одил КАТТАБЕКОВ,
Бахмал туманидаги
«Мўғол» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

«Раис ўз хоҳиши билан ишдан бўшаса...»



Баҳром МАМАЗОКИРОВ,
Уйчи туманидаги
«Баландариқ» маҳалласи раиси:

– 2018 йилдан ҳозирги кунга қадар маҳалла раиси лавозимида ишлайман. Агар ўз хоҳишим билан ишдан бўшасам, ишлаган даврим учун ҳисоб-китоб қилинадими? Менга қандай тўловлар тўлаш кўзда тутилган?

Тўлқин ТОҒАЙҚУЛОВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик бошқарма бошлиғи:

– Меҳнат кодексининг 172-моддасига асосан, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим билан ҳисоб-китоб қилиниши керак. Бу ҳисоб-китоб таркибида ходимнинг охиригача олинмаган иш ҳақини, фойдаланилмаган барча асосий ва қўшимча таътиллار учун компенсацияларни, агар меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ёхуд меҳнат шартномасида бошқа тўловларни тўлаш назарда тутилган бўлса, ушбу тўловларни тўлашни ўз



ичига олади. Яъни ходим ишдан бўшаётганда иш берувчи томонидан унга юқоридаги 3 турдаги пул тўлаб берилиши керак.

Иш берувчидан ходимга тегишли бўлган барча суммани тўлаш ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда амалга оширилади.

Ўзи билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимга меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан кейинги даврда бирор-бир тўлов (ой, чорак, йил якуни бўйича мукофотлар) ҳисобланган тақдирда, ушбу тўловлар ходим томонидан тегишли талаб қўйилганидан кейин уч кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Агар юқоридаги савол эгаси 2018 йилдан бери меҳнат таътилига чиқмаган бўлса, бу маблағ ҳам тўлиқ ҳисоб-китоб қилинади.

Алимент тўлаш қандай ҳолларда тугатилади?

Жумахон БОЙМУРОДОВА,
Арнасой туманидаги «Тинчлик» маҳалласи раиси:

– Маълумки, оилавий ажралишдан кейин фарзанди ўзида қолган аёл эрдан алимент ундириш бўйича судга мурожаат қилади. Суд қароридан кейин фарзанди учун алимент ола бошлайди. Агар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож алимент олувчи аёл янги турмуш қурса, суднинг ижро ҳужжатида асосан ундириладиган алимент тўлаш мажбурияти тугатиладими?



Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
«Мадад» НТТ ҳуқуқшуноси:

– Оила кодексининг 147-моддасига асосан, суд тартибида ундириладиган алимент тўлаш тугатиладиган ҳолатлар белгиланган.

Жумладан, бола вояга етганда ёки вояга етмасдан туриб тўла муомала лаёқатига эга бўлганда, фойдасига алимент ундири-

ётган бола фарзандликка олинганда, суд алимент олувчининг меҳнатга лаёқати тикланган ёки уни ёрдамга муҳтож бўлмай қолган деб топганда, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож алимент олувчи собиқ эр ёки хотин янги никоҳга кирганда, алимент олувчи ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахс вафот этганда алимент тўлаш мажбурияти тугатилади.

НУҚТАИ НАЗАР

«Муаммо – мигрантларни қайтариб, бандлигини таъминлаш»

Маҳалла «драйвери» – хизмат кўрсатиш. Худудда 42 та тадбиркорлик субъекти мавжуд. Асосий қисми озиқ-овқат дўконларидан иборат. Қўшимча, тиббий клиникалар, компьютер хизматлари, сартарошхона ва гўзаллик салони, болалар ва катталар кийим дўкони, умумий овқатланиш, кафе-бар ва тантаналар саройи, тикувчилик ательелари аҳоли хизматида.



Бу йил янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари орқали 12 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди. Шундан 5 нафар аёллар, 7 нафари ёшлардир.

Жорий йил йиғиндаги 997 нафар аёллардан 80 нафари «Аёллар дафтари»га киритилиб, уларга ўз йўналишлари бўйича ёрдам ва кўмак кўрсатилди. Хусусан, уч нафари доимий иш билан таъминланди, бир нафарига тадбиркорлик қилиш учун имтиёзли кредит ажратилди. 16 нафари касб-хунарга ўқитилган бўлса, ногиронли бўлган, боқувчисини йўқотган 60 нафарига бир

марталик моддий ёрдам ва озиқ-овқат махсулотлари берилди.

Президентимиз раислигида ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб,

- ёшлар бандлигини таъминлаш;
- ёшларга сифатли таълим бериш, касб-хунарга ўқитиш ва бўш вақтини тўғри ташкил этиш;
- ижтимоий кўмакка муҳтож ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- ёшларда соғлом фикр ва дунёқа-

рашни шакллантириш бўйича ёшлар рўйхати (ўн нафар ёш) шакллантирилди. Улар сектор ва турли ташкилот раҳбарларига бириктирилди.

Жумладан, 1-сектор раҳбари, Олмалик шаҳар ҳоқимига бириктирилган Нозима Исмоилова Олмалик тоғ-металлургия комбинатига ишга жойлаштирилди. Нозима каби яна тўрт нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди. Икки нафар ёш касб-хунарга ўқитилди. Икки нафарига соғлигини тиклаш учун дори-дармон олишда ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, ёшлар етакчиси тавсияси билан 37 нафар ёшга ёрдам кўрсатилди. Шулардан 3 нафарининг шартнома пуллари тўлаб берилди.

Худудда ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти, Хусусан, «Яшил макон» лойиҳаси асосида 350 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, суғориш тизимлари билан таъминланди. «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида, жиноятга мойиллиги бўлган фуқаролар ва ажралиш ёқасига келиб қолган оилалар билан ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда муаммолар мавжуд. Шулардан бири, миграцияда юрган маҳалладошларни ортга қайтариш ва уларни ўзи истаган, мутахассислиги бўйича мавжуд бўш иш ўринларига жойлаштиришдир. Бу йўналишда ишлар ташкил этилмоқда. Масалан, миграциядан (Россия Федерацияси) қайтган Жаҳонгир Йўлдошев Олмалик шаҳрида фаолият юритаётган «Enter Injenering» компаниясининг қурилиш ишлари билан шуғулланадиган корхонасига ишга қабул қилинди.

Нурхон САМАДОВА,
Олмалик шаҳридаги
Маҳмудхўжа Беҳбудий
номли маҳалла раиси.

ТУРИЗМ

«Сайёҳларнинг севимли масканига айланамиз»



Маҳалла туман марказидан 30 километр олисда, тоғли худудда жойлашган. «Драйвери» – чорвачилик, боғдорчилик, хизмат кўрсатиш – уй меҳмонхоналаридан иборат. Аҳолининг барчасида 3 тадан 20 тагача чорва моллари бор. Асосан, қўй-эчки боқиб, қассобчилик билан шуғулланади. Саксон фоизида 30-50 сотих боғлари бор. Уларда мевали дарахтларнинг деярли барчаси мавжуд.

«Терсак» маҳалласи йилнинг ҳар тўрт фаслида сайёҳларни оҳанрабодек ўзига тортади. Бу ерда ҳар фасл ўз тароватини ўзига хос тарзда намойиш этади. Шу сабаб, жорий йилнинг октябрь ойида

маҳаллага туризм қишлоғи мақоми берилди. Бу ерда маҳаллий сайёҳлар учун 25 та, хорижликлар учун 4 та меҳмон уйлари фаолият юритмоқда. Ушбу меҳмон уйларида сайёҳлар учун қишлоқнинг табиий махсулотлари, миллий таомлар тайёрлаш ва тандирда нон ёпиш бўйича маҳорат дарслари, қишлоқнинг этник урф-одатлари намойиши, агро-туризм йўналишида чорвачилик, боғдорчилик ҳамда деҳқончиликнинг қадимий услублари намойиш этилади.

Тоғ ён-бағирларида дам олиш масканларининг ташкил этилиши сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришига хизмат қилмоқда. Худудга ташриф бу-

юрган сайёҳлар тоғ туризми йўналишида пиёда, от ва бошқа уловларда сайр қилиши, қишлоқнинг ўзига хос табиати билан танишиши мумкин. Тирсак шаршараси сайёҳларда катта таассурот қолдирмоқда.

Кувонарлиси, сайёҳлар сони йилдан йилга кўпаймоқда. Жорий йил 15 мингта маҳаллий, 2 мингта хорижлик сайёҳлар келди.

Келгусида туризм қишлоғини янада ривожлантириш режалари бор. Хусусан, 15-20 та меҳмонхона ўтовлар қурилади. Сайёҳларнинг мароқли дам олишлари учун кичик сув ҳавзалари қуриш режалаштирилган. Бу борада ҳоким ёрдамчиси Фиёс Ғафоров билан ҳамкорликда зарур ишлар олиб борилмоқда.

Тадбиркорлик борасида савдо дўконлари ва ошхоналар бор. 5 та оила қурт тайёрлаб сотишади. Бу йўналишда сайёҳларнинг талаб ва истаклари асосида ривожлантириш ишлари олиб борилмоқда.


Туристлар учун инфратузилма яхшиланмоқда. 6 километр ички кўчалар асфальтланиб, 20 та кўча чироқлари ўрнатилди.

Бекзод БЕКМУРОДОВ,
Ургут туманидаги
«Терсак» маҳалласи раиси.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Ўқишни кўчириш: нималарни билиш керак?

Киш мавсумида фақат икки тоифадаги талабаларга узрли сабабларга кўра, ўқишни бир давлат олий таълим муассасасидан бошқасига кўчиришга рухсат берилади.



Биринчиси – талаба оила қуриши муносабати билан ўқишни турмуш ўртоғи доимий яшайдиган худуддаги ОТМга кўчириши мумкин.

Иккинчиси – давлат органларининг ходимлари иш жойи ўзгарган тақдирда, унинг турмуш ўртоғи ёки вояга етмаган фарзанди ўқишни кўчириш учун (тегишли вазирлик (идора) раҳбарининг тавсияси асосида) ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Белгиланган тартибга мувофиқ, юқоридаги узрли сабабга кўра, ўқишни кўчириш ҳақидаги аризаларни қабул қилиш учун 13 та ОТМда худудий Ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Ишчи гуруҳлар 2024 йил 20 январга қадар ҳар куни соат 9:00 дан 17:00 гача (якшанба – дам олиш куни; шанба – соат 9:00 дан 15:00 гача) фаолият кўрсатади.

Худудий ишчи гуруҳларга қуйидаги ҳужжатлар аризаچи иштирокида (офлайн) тақдим этилади:

– ўқишни кўчириш бўйича ариза (ариза бланкаси худудий ишчи гуруҳи томонидан берилади ва талаба томонидан жойида тўлдирилади);

– талабанинг рейтинг дафтаридаги белгиланган шаклдаги академик маълумотнома ёки транскрипт нусхалари (биттаси бўлса етарли);

– паспорт нусхаси;
– ПК-279-сон қарор 7(в)-бандида қайд этилган узрли сабабларни асословчи тегишли ҳужжатлар.

Бу муддатда хорижий ва хусусий ОТМдан ўқишни кўчириш учун аризалар олинмайди.

Аризалар 20 январгача қабул қилинса, ўқишни кўчириш бўйича аризани кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш – ҳар йили 25 январдан 15 февралга қадар амалга оширилади.

Эслатма: агар талаба мақсадли қабул доирасида таълим олаётган бўлса, унга ўқишни кўчиришга рухсат берилмайди.

Яна бир ҳолат: агар талаба ҳозирда грант асосида ўқиётган бўлса, ОТМ йўналишлари учун ажратилган грант ўрин бўлса, таълим муассасасидаги вазиятдан келиб чиқиб, талабага грант асосида ўқишни кўчиришга рухсат берилиши мумкин.

Кўзи ожив ва ногиронлиги бор талабаларга грант асосида ўқишни кўчиришга рухсат берилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

«1 ойлик армия»га бориш қимматлашди... (ми?)



Орифжон ОЧИЛОВ,
Олот туманидаги
«Нуробод» маҳалласи раиси:

— Маҳалламизда сафарбарлик чақирув резерви сафида ҳарбий хизматни ўташга бел болаган йигитлар бор. Айтишларича, 1 декабрдан бундай хизмат учун бадал миқдори оширилибди. Шу ростми? Агар шундай бўлса, унинг миқдори қанча?

Сардор РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Мамлакатимизда жорий йилнинг 1 декабрь кунидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори оширилиб, ойига 1 миллион 50 минг сўм этиб белгиланди. Бу ўзгариш сафарбарлик чақирув резервининг (халқ тилида «1 ойлик армия») тўлов бадали миқдорига ҳам таъсир қилади.

Сафарбарлик чақирув резерви тўлов бадали бевосита меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 7 баробарига тенг. Яъни 1 декабрдан бир ойлик ҳарбий хизмат учун тўлов миқдори 6 миллион 860 минг сўмдан 7 миллион 350 минг сўмга оширилди.

Ҳукуматнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, сафарбарлик чақирув резерви сафига олинган шахсларнинг пул бадаллари хизматга олинган кейин томонларнинг келишуви асосида, 1 йил мобайнида бирийўла ёки босқичма-босқич (бўлиб тўлаш орқали) амалга оширилиши мумкин.

Маълумот учун, «1 ойлик армия»га олинган шахслар тўлаган пул бадаллари суммаси Мудофаа вазирлигининг «Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари» махсус ҳисобрақамида жамланади. Маблағлар муддатли ҳарбий хизматчиларга нафақа пулини тўлаш, вазирликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, сафарбарлик чақируви резерви хизматчилари таъминотига йўналтирилади.


Фуқаролар сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига 27 ёшга тўлгунча қадар олинади. Улар сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўташ даврида ойлик ҳарбий йиғинларни ўташга жалб этилиши, фавуқлодда вазиятлар ёки Ўзбекистонга қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилишлари мумкин.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Муродали ҲОЖИЕВ,
Когон шаҳридаги
«Зирабод» маҳалласи раиси:

— Пенсия тизимидаги ўзгаришлар ҳақида газета орқали кўплаб мақолалар берилди. Бунинг натижасида маҳаллага айни масалада ҳуқуқий кўмак сўраб келган фуқароларга имкон қадар ёрдам бердик. Айримлари ўзларини қизиқтирган саволларни биз орқали таҳририятга етказяпти. Мисол учун, пенсияга чиқиш учун онлайн мурожаат қилиш тартиби қачон ишга тушади?

Пенсияга чиқиш учун онлайн ариза бериш мумкин



Хайриддин РАҲМАТОВ,
Пенсия жамғармаси Бухоро
вилояти бошқармаси бошлиғи:

— Президентнинг 2023 йил 31 октябрдаги «Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, 2024 йил 1 январдан бошлаб, фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш учун амалдаги тартибга қўшимча равишда, уларнинг хоҳишига кўра, Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади.

Шу билан бирга, фуқароларга давлат пенсиялари тайинланганидан сўнг, уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларини Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки АТ «Халқ банки»нинг мобил иловаси орқали олиш имконияти яратилади. Бунда Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларни олиш ҳуқуқини берувчи сертификат бериш тартиби бекор қилинади.

Яна бир жиҳат — 2024 йил 1 январдан бошлаб, I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага, шунингдек, даволаш муассасасининг ҳулосасига кўра, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини ижтимоий ходимлар бир йилда бир мартаба ўрганган ва ўрганиш маълумотлари «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими орқали юритиб борилади. Бунда «Ижтимоий ҳимоя» АТдаги қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги электрон маълумотлар қараб турган шахсга пенсия тайинлашда иш стажига киритиш учун асос ҳисобланади.

УЧРАШУВ

Мучалдошлар бир даврада жам бўлди

Бандихон туманидаги «Обод турмуш» маҳалласида ўзига хос тадбир — мучалдошлар учрашуви ташкил этилди. Унда маҳалла фаоллари, нуронийлар, ўрта авлод ва ёшлар вакиллари иштирок этди.

Айтиш керакки, халқимизда азалдан ўғил-қизларнинг болалиқдан ўсмирликка ўтиш даври — мучал ёшини нишонлаш аънанаси мавжуд. Ун икки йиллик «мучал тақвими» сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балик, илон, от, қўй, маймун, товук, ит ва тўнғиз йилларидан иборат. Қадимги Шарқ халқларининг фалсафий ва астрономик қарашлари, тақвимий билимлари ҳосиласи бўлган бу тақвим ҳозирга қадар қўлланилади.

— Мучал ёшига бағишланган маросимлар қадимдан оилада кўни-қўшни, қариндош-уруғлар, кейинчалик мактабларда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ташкиллаштирилган, — дейди «Обод турмуш» маҳалласи раиси **Соҳибжамол Жумаева**. — Маҳалламизда ташкил этилган ана шундай тадбирда бу гал ўзгачароқ ёндашуви танладик. Яъни учрашувга фақат 12 ёшга тўлган ўсмирларни эмас, 24 ёшдаги ўз устида ишлаётган, 36 ёшли намунали иш фаолиятини йўлга қўйган, 48 ёшдаги оила ва иш тажрибасига эга кишилар, 60 ёшдаги ижтимоий фаол нуронийларни таклиф этдик. Ҳар бир ёш тоифасидаги меҳмонлар ўз ҳаёти ҳақида сўзлаб беришди.



Ўзига хос авлодлар учрашувида ёшлар келгуси режалари ҳақида ўртоқлашган бўлса, ўрта авлод вакиллари бугунги иш фаолияти, оилалари, нуронийлар ҳаётини тажрибалари ҳақида сўзлаб берди. Тадбир доирасида турли танловлар ташкил этилди. Хусусан, 12 ёшга тўлган ўсмирлар етти авлодини санаб беришди, маҳалла фаҳрига айланган ҳамқишлоқлари тўғрисида гапириб, диний ва дунёвий билимларини синовдан ўтказишди. Унда фаол иштирок этган Барно Норбоева, Алибек Аллаберганов ва Элшод Қўлдошевга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.



Маҳалла раиси С.Жумаеванинг айтишича, бундай тадбирлар 21 март — Наврўз байрамига қадар давом этади.

ТАКЛИФ

«610 нафар ўқувчи 4 км. узоқликдаги мактабга қатнаяпти»

Маҳаллада 2 781 нафар аҳоли яшайди. Асосий «драйвер» — тадбиркорлик. 2023 йил мобайнида инфратузилмани яхшилаш мақсадида «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига асосан, Хумхона, Узумзор ва Чоркўча кўчасига 7 километр масофада тармоқ тортилиб, 342 та хонадон тоза ичимлик сув билан таъминланди.

Чоркўча кўчасидаги куввати паст бўлган трансформатор янгисига алмаштирилди. 24 дона эски симёғоч ўр-

нига темир бетон таянч устун ўрнатилди. 1600 метр ички йўл асфальтланди. Йил бошидаги хатловда 150 нафар



ишсиз рўйхатга олинган эди. Янги иш ўринлари яратиш, ўзини ўзи банд қилиш орқали 140 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди. Ўзини ўзи банд қилганлар 120 нафарни ташкил этади. Шу кунгача ишсизларнинг 13 нафарига кредит, 4 нафарига субсидия ажратилди. Ҳудудда 14 та тадбиркорлик субъекти ишлаб турибди. Йил бошида уларнинг сони 9 та эди. Ушбу тадбиркорлик субъектида жами 140 та иш ўрни яратилган. Юқоридаги чора-тадбир натижасида аксарият фуқаролар бандлиги таъминланиб, 19 нафар ишсиз қолди.

Аёллар кўпи уйда ўтиради. Шу боис хонадонда касаначиликни йўлга қўйиш режамиз бор. Бу таклиф туман ҳокимлигига айтилган. Агар маҳалла ҳудудидаги «CHANG LAING to'qimachi» хорижий корхонаси билан келиша олсак, касаначилик орқали хотин-қизлар бандлиги таъминланади. Бу корхона сочиқ ишлаб чиқаради.

Аҳолини қийнаётган энг асосий муаммолардан бири ҳудудда мактаб йўқ. 610 нафар мактаб ёшидаги ўқувчи 4 км. узоқликдаги мактабга қатнайди. Дарс икки навбатда ташкил этилгани учун иккинчи навбатда ўқийдиган ўғил-қизлар уйга кеч қайтади. Бу ота-оналарни ташвишга солмоқда. Муаммо бўйича туман ҳокимлигига мурожаат билан чиқдик. Жой масаласи ҳал бўлмапти. Шунингдек, Янгиқўрғон туманига борадиган йўл маҳалла ҳудудидан ўтган. Шу йўлдан қўшни туманга оғир вазнли юк автомобиллари туну кун қатнамоқда. Натижада йўл бузилиб, аҳоли тинчи йўқолмоқда. Ҳеч ким буни назоратга олмаяпти. Аҳоли жуда норози. Чунки уларнинг яшаш хонадони девори ёрилиб кетяпти. Масъуллар шу масалани ўрганиб, юк автомобиллари қатновини тартибга солишса яхши бўларди.

Ғанишер ШАРИПОВ,
Косонсой туманидаги «Ўрикзор»
маҳалласи раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

Аббос
ҲАЛИЛОВ,
Самарқанд
туманидаги
«Бўзи»
маҳалласи
раиси.



«Mahalla»ни маҳалламиз билан ўқиймиз!»


— Менга ахборот манбаалари орасида газета кўпроқ маъқул. Сабаби ундан доим керакли қўлланма сифатида фойдаланаман. Асосийси, ўқиган маълумотимнинг ишончли эканидан кўнглим тўқ бўлади. Шунинг учун ҳеч иккиланмай маҳалла аҳолисига тавсия қила оламан.

Сабри етмай, идорага газета келдим, деб сўраб чиқадиганлар қанча. Фуқароларимиз унда чоп этилаётган фойдали маслаҳат, саволларга аниқ ва батафсил жавобларни севиб ўқишади. Шу учун «Mahalla» газетасига биринчилар қаторида обуна бўлдик.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Дилшод РАҲИМОВ,
Косонсой туманидаги
«Навбахор» маҳалласи раиси:

— Маҳаллада яшовчи кўп фуқаролар ўриндошлик асосида ишлайди. Улардан бирининг мурожаатига кўра, ўриндош ишлаётганига бир йил тўлган. Энди у йиллик меҳнат таътилига чиқа оладими? Ёки ўриндошлик асосида ишлаётган ходимга меҳнат таътили берилмайдими?



Ўриндош ходимга меҳнат таътили берилладими?

Лазиз ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Ўриндошлик асосида ишловчи шахсга йиллик асосий таътиллари, шунингдек, ўриндошлар ҳақли бўлган қўшимча меҳнат таътиллари асосий иш жойидаги йиллик меҳнат таътили билан бир вақтда бериллади.

Агар ўриндошлик асосида ишнинг биринчи иш йилида ходим олти ойдан кам ишлаган бўлса, ўриндошлик асосида ишда йиллик меҳнат таътили учун

ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Асосий иш жойи бўйича йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги ўриндошлик асосидаги ишдаги меҳнат таътилининг давомийлигидан кўп бўлган ҳолда, иш берувчи ўриндошлик илтимосига кўра унга ўриндошлик асосидаги ишдаги йиллик меҳнат таътилидан ташқари асосий ишдаги йиллик меҳнат таътили ва ўриндошлик асосидаги ишнинг йиллик меҳнат таътили давомийлиги ўртасидаги фарқни ташкил этувчи кунларга иш ҳақи сақланмайдиган таътил ҳам бериши шарт.

Анвар ПАРМОНОВ,
Гулистон туманидаги
«Тажрибакор» маҳалласи раиси:

— Вазирлар Маҳкамасининг янги қарор лойиҳасига кўра, 1 январдан электр энергияси ва табиий газ учун 100 фоиз олдиндан тўлов тизими жорий этилмоқда. Бу барча истеъмолчиларга татбиқ этиладими? Қарор лойиҳасини изоҳлаб берсангиз. Ҳисоблагични ўз маблағимиздан ўрнатамизми?



«Ҳисоблагични ўз маблағимиздан ўрнатамизми?»

Ҳасан ТОШҲҲАЕВ,
Энергетика вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасига кўра, электр тармоқларига уланиш учун электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига (ЭҲНАТ) мос келадиган ҳисобга олиш асбоблари, оддий айтганда, «ақлли» ҳисоблагичлар 2024 йил 1 январдан бошлаб юридик ва 2024 йил 1 апрелдан маиший истеъмолчиларнинг маблағлари ҳисобидан ўрнатиб

бериллади.

Яъни, маиший истеъмолчи ва тадбиркорлик субъекти ҳисоблагични ўзи сотиб олади. Уларни ўрнатиш, рўйхатга олиш, даврий давлат қиёсловидан ўтказиш ва тамғалаш ҳудудий электр тармоқлари корхонаси маблағи ҳисобидан бажарилади. Бошқача айтганда, сиз ўрнатиб берилгани учун пул тўламайсиз. Ҳисобга олиш мосламаси уй-жой ёки хонадон эгасининг буюртманомасига биноан, узоғи билан бир ҳафта муддатда, унинг иштирокида ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили томонидан ўрнатилади.

ТАЖРИБА

«Ёмғирли кунларда ўқувчилар қийналяпти»



Маҳалла «драйвери» — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва чорвачилик. Йиғинда 410 та хонадоннинг 340 тасида қўшимча томорқа ерлари мавжуд. Яна 94 нафар фуқарога аукцион орқали 15 ва 30 сотихдан ер ажратиб берилди.

Аҳоли томорқа ва аукцион орқали олган ерлардан унумли фойдаланиб, буғдой, шоли, картошка ва бошқа озиқ-овқат ҳамда полиз маҳсулотлари экиб, даромад топяпти.

Чорва моллари етиштиришда ўзига хос тажрибага эга. Ҳар бир хонадонда иккитагача соғин сигир бор. Қўшимчасига гўшт учун буқалар боқади. Хонадон эгалари соғиб олинган сутдан қаймоқ ва бринза олади. Тайёр маҳсулотларни бозорга чиқариб,

оиласига қўшимча даромад келтирмоқда.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Бурхон Саъдуллаев 42 нафар фуқарога кредит ажратиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашди. «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган 21 нафар фуқарога субсидия асосида тикув машиналари ва қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари етказиб берилди. 10 тага яқин тадбиркорлик объектлари очилди.

Кураш бўйича бир қанча совринлар соҳиби Достон Рўзиматов маҳалла ёшлар етакчиси бўлиб иш бошлагандан кейин спортга қизиқадиган ёшлар сони ортди. Мини футбол бўйича қизлар жамоаси Давлат хавфсизлик хизмати кубогининг вилоят босқичида фахрли ўринни қўлга киритиб, ҳар бири биттадан те-

левизор олди.

Маҳаллага катта лейтенант Бобур Ёқубов профилактика инспектори бўлгач, йиғин «яшил» тоифада. Уч йил давомида бирорта жиноятчилик қайд этилмади.

«Маҳалла бешлиги» ҳамкорлигида маҳаллани жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш мақсадида аҳоли ўртасида мунтазам профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

Хотин-қизлар фаоли Соҳиба Рўзиматова аёллар билан доимий мулоқотда. Уларга яқиндан кўмаклашиб, ажралишларни қайтаришга эришяпти. «Аёллар дафтари»даги аёлларни иш билан таъминлаб, касбга ўқитиш ишларини олиб борапти.

«Бир нурунийга ўн нафар ёш» танловида нуруний Бахтиёр Курбонов туманда 1-ўринни олиб, 2 миллион 300 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Вилоятда 4-ўринни эгаллади.

Жорий йил Сахий кўчасининг бир километр қисмига тошшағал аралашмаси ётқизилди. Чинор кўчасига 24 та бетон устун ўрнатилиб, 1,2 километр кабель линияси тортилди. На тиждада 60 та хонадон узлуксиз электр энергия билан таъминланди. Хур Ватан кўчасига 400 кВт. қувватга эга трансформатор ўрнатилиб, 150 хонадон етарли электр энергияга эга бўлди.

Қилинган ишлар билан бир-

га, муаммолар бор. Аввало, 8,2 километр ички тупроқ йўллари шағаллаштириб, асфальтлаш зарур. Чунки ўқувчиларнинг ёмғирли кунларда бу йўлдан мактабга қатнаши қийин бўляпти. «Киллавит» маҳалласининг ўзида 452 нафар ўқувчи бор. Улар қўшни маҳалладаги 15-мактабга қатнашади. Мактаб икки сменали. Шу сабаб йиғинда 600 ўринли мактаб ва 150 ўринли мактабгача таълим муассасаси қурилиши зарур. Яна бир муаммо, ҳудудда интернет алоқа линияси йўқ.



Абдалнияз САПАЕВ,
Янгиариқ туманидаги
«Киллавит» маҳалласи раиси.



НУҚТАИ НАЗАР

«Хонадонлар томорқадан мўл даромад топаётир»

Ушбу маҳаллада Ўзбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти Ортиқ Отажонов туғилиб ўсган. Шу сабаб маҳаллага у кишининг номи берилган. Бугун маҳаллада ҳофизнинг синглиси, жияни — Зарбат Отажонов истиқомат қилмоқда. Зарбат тоғаси Ортиқ Отажонов изидан бориб, дилга яқин қўшиқлари билан халқ меҳрини қозонмоқда.

Маҳалла аҳолисининг даромади қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан. Асосан, узумчилик билан шуғулланади. Олтмиш фоиз хонадон эгалари томорқаларида узум етиштириб, ўртача 10 миллион сўмгача даромад олмақда. Қирқ фоиз аҳоли ерлари қумлоқ бўлгани сабабли, улар кўпроқ савзавот ва шоли экинлари экиб, рўзғорини тебратмоқда. Жорий йил ишсиз 122 нафар фуқарога 30 сотихдан 78 сотихгача ер берилиб, бандлиги



таъминланди.

Аҳолининг олтмиш фоизидан парранда бор. Ҳар бир хонадон эгаси 30-40 та товуқ боқиб, ўзини ўзи тухум ва гўшт билан таъминламоқда. Ортганини сотиб, қўшимча даромад олмақда. Орифжон Сафаров маҳалланинг

бир четидан 12 мингта дўмбоқ жўжа боқиб, тадбиркорлик фаолиятини юритмоқда. Уйда ўтирган хотин-қизлар тикув машиналари олиб, ўзини ўзи банд қилган ҳолда тикувчилик фаолияти билан шуғулланыпти.

Бундан ташқари, маҳаллада



логистика фаолияти яхши ривожланмоқда. Ҳар бир тадбиркорда 4 тадан 30 тагача «фура»лар бўлиб, улар буртмалар асосида маҳаллий ва хорижий йўналишлар бўйича қатнамоқда.

Маҳаллада электр энергия, газ ва ичимлик сувдан муам-

мо йўқ. Чунки 2021 йил йиғин «Обод маҳалла» дастурига киририлиб, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Жумладан, 31 та кўчанинг 3 таси асфальтланиб, 29 таси шағаллаштирилди. 6 та янги трансформатор ўрнатилиб, иккитаси таъмирланди. Аҳоли хондонларига қувурлар тортилиб, ичимлик сув билан тўлиқ таъминланди.

Энг муҳими, барча қулайликларга эга маҳалла биноси қурилди. Ҳозирда «маҳалла бешлиги» қулай шарт-шароитларда фаолият юритмоқда.

Келгусида аҳолининг турмуш тарзидан келиб чиқиб, ердан фойдаланиш маданиятини янада ошириб, тадбиркорликни ривожлантириш ишларини олиб борамиз.

Мақсуд МАТЯЗОВ,
Боғот туманидаги
Ортиқ Отажонов номи
маҳалла раиси.

НИГОҲ

«Самарқанд қоғозининг сиру синоати кўп»



Илгари бу ерларда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Боғи Дилқушо» номидаги боғи бўлган. Президентимиз ташаббуси билан «Буюк ипак йўли» халқаро туризм маркази қурилгач, ушбу боғ қайта чирой очди. Турли манзарали дарахтлар экилиб, ободонлаштирилди. Катта бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, сайёҳлар марказига айлантирилди.

«Обираҳмат» ва «Сиёб» анҳорларининг атрофи таъмирланиб, аҳолининг дам олиши учун зарур қулайликлар яратилди. Пиёдалар ва велосипед йўлакчалари ташкил этилди. Асрлар давомида «Сиёб» анҳори бўйида икки мингга яқин сув тегирмонлари ишлаб турган ва уларнинг 400 дан ортиғида қоғоз ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

«Конирил» – туризм қишлоғи мақомини олган. «Буюк ипак

йўли» халқаро туризм маркази бунёд этилгач, маҳаллада 40 та оилавий меҳмон уйлари ташкил этилди. Қуллоқчилик устахонасида «устоз-шогирд» аънанаси асосида ёшларга хунар ўргатилмоқда. Сайёҳларга иш жараёнларидан маҳорат дарслари ўтилмоқда. Туризм марказида етти савдо расталари бор.

Маҳалладаги «Конирил-Мерос» қоғоз ишлаб чиқариш хунармандчилик маркази сайёҳларда катта таассурот қолдир-

моқда. Хунармандлар сулоласининг давомчиси Зариф Мухторов 1995 йил дунёга донг таратган ва асрлар давомида йўқолиб кетган Самарқанд қоғозини ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйишни бошлади. 1995 йилдан 2002 йилга қадар ўтказилган синов-тажрибалардан сўнг Зариф Мухторов Самарқанд қоғози яратилиши сир-синоатларини тўлиқ ўзлаштириб, Конирил қишлоғининг «Сиёб» анҳори оқиб ўтадиган энг сўлим гўшасида «Конирил-Мерос» қоғоз ишлаб чиқариш хунармандчилик марказига асос солди.

Ҳозирда мазкур марказда Марказий Осиё ҳудудларида кенг тарқалган, меваси истеъмолга яроқли бўлган, аҳоли орасида

«балх тути» деб аталадиган тут нави пўстлоғидан турли хилдаги Самарқанд қоғозлари ишлаб чиқарилмоқда. Самарқанд қоғозини ишлаб чиқариш жараёнида балхтут новдалари бир неча кун сувда ивйтиб қўйилади. Ундан кейин пўсти шилиниб, пўстлоқ устидаги кўпол жигаранг қисми пичоқ билан ажратилади. Тозаланган сарғиш рангли пўстлоқлар қозонда 5-6 соат қайнатилади ва шундан сўнг улар ёғочдан ясалган ўғирларда 7-8 соат давомида майин толаларга айлангунча маҳсул тўсинлар орқали тўйиб майдаланади.

Кейинги босқичда майин толасимон пўстлоқлар катта идишга солиниб, Сиёб сувида аралаштирилади ва тўртбурчак

шаклдаги сузғичлардан ўтказилади. Ҳўл қоғозлар 8-10 соат давомида тахтакачга бостириб қўйилади, сўнгра улар бирма-бир силлиқ жойга ёпиштирилади. Яқунлов жараёнида ҳар бир қоғоз силлиқ мармар тош устига қўйилади ва чиғаноқ ёки ақиқ тоши билан силлиқланади. Шу тарзда Самарқанд қоғози тайёр бўлади.

Маҳалла ҳудуди сизу биз тасаввур қилмайдиган даражада ўзгариб кетди. Сайёҳлар ташрифи кундан-кунга ортмоқда. Шу сабаб, меҳмонхона, тамаддихоналар, ишлаб чиқариш йўналишларида 55 та тадбиркорлик субъекти очилиш арафасида. Қувонарлиси, ишсизлик йўқ.

Мўмин ФАЗЛИЕВ,
Самарқанд туманидаги
«Конирил» маҳалласи раиси.

НУҚТАИ НАЗАР

«Барчаси етакчининг саъй-ҳаракатига боғлиқ»

Олмалиқ шаҳрининг уч томони тоғлар билан ўралган. Бу тоғ Тянь-Шань тоғидир. Тоғдан тушган мингдан ортиқ ирмоқлардан оқиб тушаётган сувлар Ангрендан ўтиб, Оҳангарон – Олмалиқ оралиғини сув билан қоплаган. Асрлар ўтиб, Олмалиқ – Оҳангарон оралиғидаги сувлар қамийиб, бу жойлар қамишзорга, кичик-кичик кўлмақларга айланади. Кўлмақчалар устидаги бақалар зулфаклари мисоли кўрпага ўхшайди. «Кўрпасой» маҳалласининг номи шундан келиб чиққан.



Маҳалла кўп миллатли бўлиб, аҳолининг тўқсон фоизи Олмалиқ шаҳри ва унга яқин ҳудудлардаги завод ва корхоналарда меҳнат қилади. Деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланаётганлар кўп. «Агро-Милк» сутни қайта ишлаш корхонасида сут, қатик, қаймоқ, творог ва турли пишириқлар тайёрланмоқда. Худудда битта боғча, олти савдо

дўкони ва олти новвойхона бор.

Маҳалланин обод масканга айланиши, аҳолининг фаровон турмуш кечириши кўп жиҳатдан маҳалла раисининг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Агар у ўз ҳудудини уйидек, фуқароларини оила аъзосидек қабул қилиб ишга ёндашса, муаммоларнинг ечим топиши анча енгил кечади.



Бунинг натижасида жорий йил Уйғун ва Қудрат кўчасига 500 метр канализация қувурлари тортилиб, 300 метр бетон ариқ ётқизилди. Кўрпасой кўчасида болалар ўйингоҳи қурилди. Шошилок, Қудрат, Лолазор, Фаробий кўчаларининг 2050 метр қисми асфальтланди. 62 та эски

симёғочлар янги устунларга алмаштирилди. 80 та тунги ёриткич чироклари ўрнатилди. «Яшил макон» лойиҳаси доирасида 2500 туп кўчат экилди.

Келгуси режалар кўп. Шулардан бири, 1 600 метр пиёдалар йўлаги қуриш, 70 та дон тунги ёриткич устунлари ва 120 та ёри-

тиш чироклари ўрнатиш, Пахтакор, Фарҳод Аъзамов, Уйғун, Огохий, Кўрпасой кўчаларига канализация тизимини ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Ўткир ШЕРАНОВ,
Олмалиқ шаҳридаги
«Кўрпасой» маҳалласи раиси.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Рустам ЮСУПОВ

Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газета

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчамлари — А3, 4 босма табоқ.
7 840 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1218
Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

